

ТОНТЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 63-64 (6904-6905)
1998 йил 18 август, сешанба

Сотувда эркин
нархда

Болалар бир — бирига ўхшайди: Ошкора кулади, ошкора ййглайди. Буни Сизболалар эмас, Биз — катталар айтяпмиз. Чунки Сизни



Бойсулик санъаткор Хайрулла Насриддинов болалар оромгоҳида шогирди билан

жуда яхши кузатганмиз-да. Айтайлик, Рахиманинг кўйлаги опасиники. Нега опаннинг кўйлагини кийиб олдинг, деб сўрашдан ҳам хайикмайсизлар. Ёки Адхамнинг кундалигидаги «5» бахоси — дадасиники. Уни дадаси ишлаб берган, — деб дарсда ҳаммага эълон қилишдан ҳам тоймайсиз. Сурхон болалари ҳам худди ўзингиз. Ёз яхши ўтяптими, деб сўрасам Бобир деган бола бурнини жийирди, ёз ёмғирли кузга тезроқ алмаша қолсин, деб. Нега, дедим. Кўзимга қараб турдида, индамади. Ва ўтлаб турган сигирининг шохига қўлида айлангириб турган узун таёғини бир тушириб, «пайкалга кирма, қулоқсиз», — деб қўйди. Англадим, болакай. Сигир боқиш, ўт юлиш билан ўтказаяётган ёзидан зериккан.

Гулноз деган қиз эса «яна ёз чўзилсайди, яна би-ир ойга!» — деди қора кўзларида қулғу ўйнатиб. «Сираям кетгим келмаяпти, бу оромгоҳдан. Ўзи биринчи келишим, янаги йил келаманми, йўқми, билмадим. Чунки тўққизинчи синфга ўтаяпман-да! Эссиз, олдинги йиллар келмабман...»

Гулнознинг сўзлари бахона, Д. Атарбоев номли болалар оромгоҳи билан яқиндан танишгим келди. Билсам, бу жаннатмакон гўша 1958 йилда ташкил топган экан. Сезиб олгандирсиз, ўшанда экилган ниҳоллар улкан дарахт бўлганини! Ҳа, соя — салқин ички ва ташки ховлиси бор ором-

ҚУЁШЛИ СУРХОН БОЛАЛАРИ

гоҳ тоққа ястаниб ётибди. Ер майдони 16 гектар. Демак — жуда катта боғ ҳовли, 350 ўқувчи дам олар экан. Оромгоҳ бошлиғи Ҳабибулла Зокиров болапарвар, нозик дидли инсон экан. Экилган гуллар, безатилган хона ва йўлаклар бундан далолат бериб турибди. Бош етакчи Дилшод Қаюмов эса болалар тилини дили билан хис қиладиганлардан. Буни болакайлар унинг атрофидан кетмаслиги исботлаб турибди. «Хамма нарса оиладан бошланади», «Оиланг тинч — сен тинч» деганларидек ҳамма ўтказиладиган тадбирларни оилага қаратдик, — деди Дилшод. «Оиланг — Ватанинг», «Ўзбек оиласи тадбиркор оила», «Оилада меҳнатнинг роли» ... каби кечалар ўтказилганлиги, унда ўқувчилар яйрагани, қулганлиги деворларга ёпиштирилган фотосуратларда намоён эди. «Отам — Қуёш, Онам — Ой» деб номланган кеча жуда таъсирчан бўлди, — деди Гулноз. Мен онамни ҳам, отамни ҳам, укамни ҳам, синглимни ҳам, ҳамма — ҳаммасини соғиниб кетдим. Кўзимда ёш билан «Сиздан мени айирмасин, худоёим», — деган шеър ёзиб уни ўртоқларимга қандай ўқиб берганимни ҳам билмайман...

«Қувноқлар ва зукколар», «Балли йигитлар», «Табиат ва биз» каби кечалар ҳам зўр ўтди. Ҳатто «местний»лар ҳам бориб кўришди. Мен ҳам ўшалар

орасида эдим, — деди сигирига жаҳлини кўрсатаётган Бобир деган бола. Оромгоҳ раҳматнома дафтарига мен билан бирга борган боланинг онаси миннатдорчилик дастхатини ёзиб кетди. Мен ҳам дафтари варақласам... биричи навбатда дам олганларнинг деярли ҳаммаси (жами 360 та) ота-оналарига

ташақкурнома ёздиришибди. Келгуси навбатида ҳам мени олиб қолинглар,

Таътил қандай ўтяпти, болалик?

дейишибди...

Ҳа, Сарносиё туманида жойлашган С. Атарбоев номли болалар оромгоҳидан болалар ажрала олмаётганининг бир сабаби бор. Оромгоҳ на фақат ўзининг соя

салқинли, файзли кучоғи билан, балки кучоғига ота, она каби қуёш тафтли меҳри билан чорлаб турувчи етакчилари, ошпазу шифокорлари, тарбиячи ака — опалари билан ҳам кадрдон бўлиб қолганди.

Узун туманидаги Х. Қулниёзов номли оромгоҳда ҳам қалбим қувончга, завқ-шавққа тўлиб, болаликка қайтдим, қолдим. Бу оромгоҳ 1957 йилда ташкилланган экан. Болапарвар устоз Бекмурод Сангиев раҳбарлик қилаётган оромгоҳда 230 бола дам олишяпти. Спортнинг деярли барча тури билан навбатма навбат шуғулланишга берилишган болалар қўл тўпи майдончасида ҳам, теннису футбол майдончасида ҳам чопқир ва топқир эдилар! Сув ҳавзасидагиларнинг қувончи яна ҳам чексиз. Чунки «Талантларни излаймиз» деб, «Ўйла, изла, топ» деб, «Афанди оромгоҳда»-ю, «Йўқолган хазина», «Йўқолган етакчи», «Йўқолган гуруҳ» деб ўйинларнинг ҳам тадбири кечаларнинг ҳам маъно ва мазмунига ёшлик завқи-ю, болалик қувончларини омухталаштириб юборишибди. Буларнинг барига осмондан мўл-қўл нуруни сочиб турган ҚУЁШ сабаб. Унинг чўғи дарахт сояларида енгил эпкин, шилдираган сувлар билан танга қуч — қувват, соғлиқ саломатлик бўлиб таралаётган экан, бош етакчи Жумагул Ҳолованинг айтишича «ЁЗ чиндан ҳам соз» ўтади!

А. АБДУҒАППОРОВ



Абдулла ОРИПОВ

ЎЗ ТУҒИМ, БАЙРОҒИМ БОР

Бу шеърни ёдланг

Ўзбекистон байроғи кўтарилди чинакам,
Ушбу кунни айтинг-чи, қай биримиз кутмадик.
Зарур бўлган чоғда гоҳ, дор тағида туриб ҳам,
Қай биримиз тарихнинг синовидан ўтмадик.

Донғил сафарга чиқди энди ҳур Ўзбекистон,
Кимгадир оёқ ости, кимга у осмон бўлди.
Шукурким, ўз-ўзини таниди кекса жаҳон,
Яъни ўзбек давлати, жумлаи жаҳон бўлди.

Не-не камситувларни кўрган шу бошим билан,
Она халқим, қошингда тизза букиб турибман.

Ўзбекча гапирганда, бир чўқум ошим билан,
Садақаи бахтинг деб, борим тўкиб турибман.

Гарчи доим унгандир гулчечаклар боғимда,
Темур ва Алишерни эслаймиз такрор-такрор.
Мен-ку узоқ яшарман, лекин кетар чоғимда,
Тепамда эгилажак ўз туғим, байроғим бор.

Насиб этмиш бу кунлар, таралсин янгроқ унлар,
Дўстлар билан ёнма-ён қутлайлик бу айёмни.
Илоё, бошимизга келмасин қаро кунлар,
Ўзбегим деб кўтаринг, дўстларим олтин жомни!

КАШТАМДА — ЎЗБЕКИСТОН

Ёзги таътил бошланди дегунча, ҳар йили укам Жасур билан оромгоҳда дам олишга отланар эдик. Бу йил эса мен чеварлик сирларини ўрганишга аҳд қилдим. Укам эса Шаҳрихон шаҳар маданият уйи қошидаги болалар кутубхонасига аъзо бўлди. Укамнинг айтишича, китобхона бошлиғи Равшан ака Бадалов ёш китобхонлар мутоаласига бош-қош экан. Ҳатто шаҳар оромгоҳларида дам олаётган болалар учун кўчма китубхона ҳам ташкиллабди. Жасур дўстлари Уткирбек, Толибжон, Умид, Нодир, Баҳром, Раҳимжон, Анварлар билан янги ўқув йилигача ким кўп шеър ёдлашга баҳс

бойлашибди. Баҳсининг мавзуси, Жасурларнинг нияти менга ҳам қанот бўлди. Устозимиз, Одина опа ёрдамида мен ҳам каштада Ўзбекистонимиз харитасини тикмоққа ният қилдим.

Истиқлолимиз 7 йиллиги тўйида уни мактабимиз саҳнига илиб қўяман.

**Дурдона
ҲОЛИҚОВА,
Шаҳрихон
шаҳридаги Ф. Фулом
номли 3-мактаб
ўқувчиси.**



ҚИШЛОҚДА ЯШАШ ЯХШИ

Акам Заврақда жойлашган «Чайка» номли болалар оромгоҳида дам олаяпти. Мен эса аям билан биргаликда қишлоққа бордим. Ҳозир у ерда урик мевалари ва гилосдан қоқилар солиб, қуритишда бувижонимга қумаклашаяпман. Катта боғнинг тўрт тарафига қоровул қилиб қўйилган «Ясама одам»ларга қараб туриб уларни ҳақиқий боғ қоровуллари дегим келади. Насим бобом ҳам, Зулфия момом ҳам кексайиб қолдилар. Шу сабаб уларга ёрдамчи албатта керак. Мен ёзги таътилни энди ҳар йили қишлоқда утказмоқчиман. Бобожоним ва бувижонимдан урганган эртақ ва топишмоқларнинг ўзи бир бойлик, мен учун. Шаҳарда яшаш яхши, дейишади, лекин қишлоқда яшаш ундан ҳам яхши! Қачонки, ёнингда меҳрибонларнинг бор бўлса!

**Ирода СУЛАЙМОНОВА,
Андижон шаҳридаги 32-мактабнинг 4-синф
ўқувчиси.**

БАРЧА БИРДЕК ХУРСАНД

Қува туманидаги Толмазор ва Бегат қишлоғи ён бағри адирликлар билан тутшиб кетган. Бу адирликлар баҳор ёмғирларидан пайдо бўлган ирмоқлардан сув ичиб, яшил бахмалга ўралиб олган. Унинг ёнгинасида барпо этилган «Орзу» оромгоҳида дам олиш болакайлар орзуси. Оромгоҳга тажрибали мураббий Валижон ака Рахимов раҳбарлик қилиб келмоқда.

Шу кунларда оромгоҳда 360 нафар бола дам олаяпти.

— Туман ҳокимлиги бошчилигида, туман халқ таълими бўлими услубчилари ва касаба уюшмаларининг яқиндан ёрдами туфайли оромгоҳ белгиланган вақтда болаларни ўз бағрига олди, — дейди В.Рахимов.

Ошхонамизда болалар учун лаззатли таомлар тайёрланади. Ҳаракатли ўйинлар, қувноқ стартлар, «Балли қизлар» беллашуви, қувноқлар ва зукколар кўриклари, спорт мусобақалари болажонларимизга бир олам қувонч бахш этаяпти. Кўшини оромгоҳ болалари билан бўлган мусобақа-

ларбининг болаларнинг ёдида қолади. Оромгоҳ бош етакчиси Соибжон Нозимов бошчилигидаги гуруҳ тарбиячилари болаларнинг ҳар бир дақиқаси қизиқарли ва мазмунли ўтиши учун бор кучларини аямаян тиллар. Буни дилдан сезган ота-оналар ҳам фарзандларидан кўнгли тўқ бўлиб, ўз юмушлари билан бандлар.

**Авазбек ҚАМБАРОВ,
Фарғона вилояти, Қува
тумани.**



XXI АСР ЧЕМПИОНЛАРИ

Ангрен шаҳрида жойлашган «ЮЛДУЗЧА» оромгоҳининг дам олувчилари учун утказилган «Соғломлаштириш» ҳафталиги бир умрга болакайларнинг ёдида сақланиб қоладиган бўлди.

Шаҳар «Камолот» жамғармаси, спорт ва Касаба уюшмаси қўмитаси ҳамда ўзбек резина технологияси ишлаб чиқариш бирлашма-

си билан ҳамкорликда утказилган бу хайрли тадбирда, тумандаги «Меҳрибонлик уйи»нинг 120 нафар тарбияланувчилари бошқаларга нисбатан кўпроқ фаоллик курсатдилар. Спортнинг баскетбол, волейбол, футбол, сузиш турлари бўйича утказилган мусобақалар қутилганидан кўра қизиқарлироқ ва ҳаяжонли бўлди.

Сузиш мусобақаларида Шариф Давлатов, югуриш бўйича Александр Седлов, футбол бўйича Сергей Понамаревлар юқори курсаткичларга эришиб спорт Касаба уюшмаси қўмитаси, ўзбек резина технологияси ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда «Камолот» жамғармаси томонидан таъсис этилган мукофот ва эсдалик совғаларини қўлга киритдилар.

Оромгоҳ раҳбари Азамат Олтибоев бирлашма вакили Ҳосил Носиров ва «Камолот» жамғармасининг раиси Уткир Абдуқодиоровлар голибларни қутлаб келгуси мусобақаларда уларга омад тиладилар.

Жўра МАХМУДОВ

ЁШ НАЗОРАТЧИЛАР СЛЁТИ

— Гуруҳ слёт бош ҳақамига рапорт бериш учун сафлан!

— Ўртоқ бош ҳакам! Қорақалпоғистондан келган ёш назоратчилар йўл ҳаракати ёш назоратчиларининг Республика слётига тайёр!..

Яқинда Андижон вилояти Жалолқудуқ туманидаги Жўрабой Нурматов номли болалар оромгоҳида бўлиб ўтган йўл ҳаракати ёш назоратчиларининг анъанавий Республика слёти барча вилоятлардан келган йўл ҳаракати ёш назоратчилари гуруҳлари сардорларининг рапорти билан бошланди.

Слёт қатнашчиларини Андижон вилояти ҳокимининг муовини Назиржон Саидов, Жалолқудуқ туман ҳокими, Ўзбекистон Олий мажлисининг ноиб Манзура Эгамова, Вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Муҳиддин Мирзаев ва бошқалар табрикладилар. Слёт ишида муваффақиятлар тиладилар. Слётнинг очилиш тантаналаридан сўнг ҳар бир вилоят ёш назоратчилари автобусларга ўтириб, Андижон вилоятининг диққатга сазовор бўлган Заҳриддин Бобур номи билан боғлиқ бўлган жойларга боришди.

Айниқса уларда Асака шаҳридаги автомобиль заводи бўйлаб қилинган саёҳат унутилмас таассурот қолдирди. Йўл ҳаракати ёш назоратчилари Асака шаҳридаги «Нексия», «Тико», «Дамас» машиналарининг тайёрланиш жараёни билан танишдилар. Автомобиль заводи ишчиларининг ишини кузатиб, бу ердан унутилмас таассурот билан қайтдилар.

Слётда ёш назоратчилар кўрик-танловни йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб қилишдан бошланди. Бу турда Андижон, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ўқувчилари ўзларининг қувноқ дастурлари, йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб қилувчи кўғирчоқ театрлари билан қатнашиб, энг юқори баҳога эга бўлдилар. Слётда ёш назоратчилар тайёрлаб келган радио тўлқинлари орқали бошқариладиган транспорт воситалари нусхалари ва уларнинг чорраҳада йўл белгиларига қараб ҳаракатланиш мусобақалари ҳам жуда қизиқарли ўтди. Бу мусобақада Андижон, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республика ёш назоратчилари тайёрлаб келган транспорт нусхалари юқори баҳоланди.

«Хавфсиз гилдирак» мусобақалари ҳам жуда қизиқарли ўтди. Унда ҳар бир вилоятдан 3 тадан ўқувчи 5 тадан босқичдан ўтиши керак эди. Турли тўсиқлар, кўприк устаси, илон изи ва 8 рақами чизиги бўйлаб ҳаракатларда велосипед ҳайдовчиларининг ниҳоятда эпчил бўлишлари талаб этила-



Бу йил жияним Наргиза мактабга чиқди. У ўқишни жуда яхши кўради. Нима учун яхши кўришини сизга ҳикоя қилиб бераман.

Бир куни жияним Наргизага холам мактабга тутиш учун чиройли сумкача олиб бердилар. Севинчи ичига сизмаган жияним мақтангани кўчага югуриб кетди. Мен орқасидан чиқсам бир тўда дугоналарини йиғиб олиб, бидиллаб бир нималарни гапирарди. Мен ҳам ҳазил билан уни гапга солдим.

НИМА УЧУН «БЕШ» ОЛАМИЗ?

— Наргиза сумкачанга нима соласан, ҳеч нарса сизмайди-ку!

— Нега сизмас экан?

— Хўш, нимани сиздириб олмоқчисан ўзи?

— Анақачи, устозим кўйган «беш» баҳоларимни соламан.

— Нималарни солмайсан?

— Ҳозир айтаман, «1», «2», «3», «4» баҳоларни солмайман.

— Ия, «4» яхши баҳо-ку, нимага уни солмайсан?

— Чунки Назокат опам доим «беш» олиб келсалар уйда байрам, ойим шоколад, дадам марожний олиб беришди. «4» баҳо олиб келса-чи ҳеч нарса олиб беришмайди. Шунга мен ҳам 4 баҳо олмайман.

— Нима, сен фақат ширинликлар учун ўқийсанми?

— Йўқ. Аммо аъло ўқиш учун ширинликлар еб куч тўплаш керак.

— Ҳа, шунақа дегин. Бир йил ичида жуда ҳам билимдон бўлиб кетибсан-ку.

Наргиза юзи қизариб секин менга қараб савол берди.

— Дилдора опа, сиз ҳам «беш»га ўқиганмисиз?

— Йўқ, мен фақат «4» га ўқиганман.


— Вой, нимага «4» баҳо олгансиз?

— Кам-кам марожний билан шоколад еганим учун.

Наргиза билан биз ҳар куни шунга ўхшаш гапларни гаплашамиз. Буниси бир шингил. Кейинги сафар бошқасини сўзлаб бераман.

Дилдора ЖўРАЕВА

Мустақил юрт болалари —
иктидорли



ди. 5-босқичда ёш велосипедчилар велосипед ҳайдаш қоидалари бўйича синовдан ўтдилар.

Велосипедчилар мусобақасида Андижон, Наманган, Фарғона, Сирдарё вилоятлари анча устун эканликларини намоиш этдилар. Макет тайёрлаш бўйича кўрикда ёш назоратчиларга 40 минут давомида Асака шаҳрида ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Дамас», «Тико» автомашиналаридан бирининг макетини тайёрлаш вазифаси топширилди.

Мусобақанинг бу турида Қорақалпоғистон

ФРАНЦУЗЧА ГАПИРАМИЗ

Мустақиллигимиз шамоли туфайли бугунги кунда махсус мактаб, лицей ва гимназияларда минглаб таланти болалар камолга етаяпти. Ана шундай илм даргоҳларидан бири Гиждувон туманига қарашли Ғаждумак мавзесида жойлашган иқтидорли болаларнинг махсус мактаб-интернатидир. Бу ерга 5-синфдан бошлаб тест асосида қабул қилинганлар уч йўналишда — хорижий тиллар, иқтисодий фанлар, ҳуқуқ фанлари бўйича билим оладилар. Болаларга ўзбек ўқитувчилари билан биргаликда франциялик магистр Сесил Аллманд хоним, инглиз иқтисодчиси бокалавр Жон Реверлар ҳам пухта билим беришади.

Яқинда илм даргоҳига Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси Жаннол Ришар ташриф буюриб, чет тилини пухта ўрганаётган болалар билан танишади. Уларнинг билимидан қониққан Франция элчиси мактабга 1200 долларлик китоблар, турли хил техникавий ўқув куролларини совға қилди. Ҳафтада 2 кун «Французча гапираммиз» теледарси ташкил этилади.

Ўтган йилги республика олимпиадасида шу мактаб интернатининг ўқувчиси — Нозима француз тилидан 100 балл тўплаб, мутлоқ голибликка эришганди. Мактаб болалари ўзларининг илмга чанқоклиги, тиришқоклиги билан ажралиб туришади. Яқинда мактабнинг икки собиқ ўқувчиси Тошкент Дипломатия университетининг талабалари Мажид Хасанов билан Жавоҳир Неъматовлар «Умид» жамғармаси конкурсида қатнашиб Президент грантини олиб, Францияга ўқишга кетишди. Ажойиб хушхабар мактаб болаларининг илмга бўлган иштиёқларини янада орттирди.

С. ТОШЕВА,

«Бухоро муаллими» газетаси мухбири.

республикаси, Андижон, Тошкент, Фарғона вилояти ёш назоратчилари биринчи бўлиб бежирим, чиройли макетлар тайёрлаб, энг юқори баҳоланган сазовор бўлдилар.

Бундан ташқари слёт дастурига ёш ҳамширалар, йўл ҳаракатини тартибга солувчилар, ёш пиёдалар, йўл ҳаракати қоидалари билимдонлари мусобақалари ҳам киритилди.

Слётда Андижон вилояти Жалолқудуқ туманидаги 18-мактаб ёш назоратчилари 1-ўринни, Фарғона вилояти Данғара туманидаги 9-мактаб, Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳридаги 2-мактаб ёш назоратчилари 2-ўринни, Бухоро шаҳридаги 4, Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги 222, Қарши шаҳридаги 3-мактабларнинг ёш назоратчилари 3-ўринни эгалладилар.

Голибларга Ўзбекистон Халқ таълими, Ички ишлар ва бошқа вазирлик ва ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Слёт байроғи туширилди. Йўл ҳаракати ёш назоратчиларининг анъанавий слёти 1999 йилда Наманган вилоятида ўтказилади.

Ф.СОДИҚОВ.

Республика таълим маркази «Маънавият ва кўшимча таълим» бўлимининг етакчи методисти

Т.МУЛЛАБОЕВ.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси «Болалар» тахририятининг гуруҳ раҳбари

Дала боғимдаги қўш-нимнинг бир аjoyиб қизи бор. Исми ҳам ўзига ярашади «Зебо». Бу йил иккинчи синфга боради. Ақли - хуши жойида. Ҳозирнинг ўзидаёқ анчагина ҳикоят, ривоят, топишмоқларни билади. Мен айтиб берган ҳикоят, топишмоқларни ҳам бирпасда илиб олиб: кейин ўзимга, бошқаларга сўзлаб юради. Янгиларини ўзи ҳам тўқишга устаси фаранг.

Яқинда бир топишмоқ айтиб анча миямни қотирди. Тўғриси, уни топа олмадим. Охири «Шаҳар берайми» бўлмаса», деб қолди. Эшитинг, мана ўша топишмоқ ҳикоя:

МАЙМУН

Маймун олманинг баланд шохига чиқиб олибди. Уни кузатиб турган жажжи киз — Нодира хаваси келиб: «Олмдан буёққа ташла», деса маймун уни майна қилиб «мана сенга» — деб бурнини кўрсатар эмиш. Хуллас, Нодира шунча ялинса ҳам, дўк қилса ҳам муғомбир маймун олмдан ташламабди. Энди нима қилиш керак? Нодиранинг мияси шишган. Қани Сиз айтинг-чи, Нодира нима қилса маймун олмдан ташлайди?

ҒАЛАТИ ҲАЗИЛ

Ҳазиллашиб киз болани ўғил бола, ўғил болани эса киз бола қилиб кийинтириб қўйишиб-

Қадимий маънавий анъаналаримиз

ЗЕБОНИНГ ТОПИШМОҚЛАРИ



чук тилда қизиқарли қилиб сўзлайди. Ҳам куласиз, ҳам ҳайрон бўласиз.

Бунақатопишмоқ ҳикоятларни қандай қилиб ўйлаб топибди деб ҳайратга толасиз.

— Энди мен сизга онам китобдан ўқиб берган топишмоқларни айтаман, топа олмагангиз, «шаҳар бераман» дейди Зебо ҳазиллашиб.

— Айтақол, икки қулоғим сенда, дейман унга.

ДАВОМЛИ ТОПИШМОҚЛАР

Юриб-юриб тангадек жойни эгаллайди.

Пакана хотин том тепар.

Кўприкнинг тагида тўртта курт.

Пак-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор.

Кичкина декча — ичи тўла михча.

Юрсанг юради, ўтирсанг

Узоқ қиш кечалари, ёзнинг сокин тунларида болаларга эртақ, ҳикоят, топишмоқлар сўзлаб бериш қадим-қадим замонлардан бери халқимизнинг энг сеvimли миллий анъанаси бўлган. Индигона ҳаётга йўл олаётган истиқлол фарзандларини фикрлашга, мулоқотли бўлишга, нутқини ўстиришга имкон ва ёрдам берадиган ана шу одатимизни кенг ёйиш мақсадида «Қадимий маънавий анъаналар» руқни остида топишмоқ-ҳикоятлар бериб боришга қарор қилдик.

Мазкур «руқни»ни сеvimли ёзувчимиз, мухтарам Мақсуд ҚОРИЕВ олиб борадилар.

ўтиради.

Хаёлим бўлинади, ўзимча мулоҳаза юри-таман. Ҳозирги техника тараққиёти даврида ҳамма хонадонларда радио, телевизор, видеолар болаларни ҳам, катталарни ҳам ўз комига тортиб олган замонда эртақ, топишмоқ айтиб ўтиришга ҳеч кимнинг вақти йўққа ўхшайди. Болалик чоғимизда қулогимизга қўйилган бу эртақ, ривоят ва топишмоқлар фикрлашга, мулоҳаза юри-тишига, нутқимизни ўстиришга ёрдам берган бўлса, ажаб эмас.

Ота-боболаримиздан қолган бу удумларона Ватанимизга

муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялаш, бизни меҳр-шафқатли инсонпарвар кишилар бўлиб етишишимизга сабаб бўлганлигига ишончимиз комилдир.

Балки Зебонинг топишмоқ-ҳикоятларига сиз жавоб ёзиб юборарсизлар, азиз ўқувчилар.



Китоб мутоала қилиб турганимда беш ёшли набирам Жонибек гапга тутди.

— Бобожон, қачон кўрмай китоб ўқиётган буласиз. Бувим тўғри айттар эканлар-да, «бобонг тугилиши биланоқ китоб ошиғи бўлган», деб. Бобожон, мен ҳам мактабга бориб ўқишни ургансам, сиз айтиб берган эртақларни китоблардан ўқиб ёдлаб оламан. Ҳозирча унтача шеърни ёддан биламан»...

Дарҳақиқат, болаларда китобга, билимга ташналик уларнинг ёшлигида бошланади. Она алласи, эртақ тинглаб ухламаган бола кам.

Китоб — бу инсоннинг дўсти. Билим ва унинг шуурини, йўлини машғала мисол ёритувчи ноёб шуъла. Қуёш нури яшаш учун, табиат, жамики жонзотлар, инсонлар учун қанчалик зарур, фойдали экани биласиз. Китоб ҳам бамисоли офтобдек. У киши шуури, онгини уз

зиёси билан ёритади. Фикрини тиниқлаштиради, теранлаштиради. Китоб — бу инсон йўлини ёритувчи нур, яқин дўст, маслаҳатчи устоз.

Имоним комилки, умрида китоб ўқимаган зот учрамаса керак. Яхши биламан, ҳар бир китобхоннинг ўз сеvimли, қўлдан қўймай қайта-қайта ўқиб юрадиган китоби ва ҳар куни хаёлан дўстлашиб юрадиган сеvimли қаҳрамонлари булади. Ҳатто ёзувчи, шоирларнинг чин дилдан ёқтирган китоблари, ихлос қўйган қаҳрамондлари бор. Мен Садриддин

ўтган. Нарзи ака узга музофот, узга қишлоқда яшаган экан. Демак, китоб бу бир дўст эмас, инсоннинг ўзлигини англатувчи манба ҳам экан. Кўпчилик китобхон асарлардаги қаҳрамонларга узини қиёсласа, айримлари уз ҳаётида кечирган унутилмас воқеаларни асарларда айнан кўргандек булишади. Анави асардаги палончи қаҳрамон мен, ёзувчи менинг ҳаётимни ёзибди деб фахрланиб, мақтаниб ўзига маънавий озуқа олиб юради.

Шунинг учун китоб билан дўст


қизиқтириб қолган ёки мафтун этган, бу ҳақда дўстларингиз билан фикр алмашинг.

Сиз ўқиган китоблардаги қаҳрамонлар ва уларнинг қайси бир ҳислатлари сизга ёқади. Бу ҳақда баҳс юритиш пайти келди. Ҳақиқат баҳсларда тугилади.

Саид РАВШАН



КИТОБ — ОФТОБ



Айний домла яратган образ Қори ишқамба, («Мешқобчининг улими») асарини жон-дилдан ёқтириб қолганман. Қайта-қайта ўқиганим сари яна у асарни мутоала қилгим келаверади.

Ёлгон эмас, бир куни менга ҳали нотаниш бир мухлисим кутилмаганда уйимга кириб келди. У Вухоро шаҳри Афросиёб маҳалласида яшар экан. Ёши ярим асрдан ошган, сочлари кумушсимон, қўлида «Қиронча» номли қиссам.

— Ана бу китобни сиз битганмисиз, — деди у жилмайганича гапга кўчиб. — Менинг айнан ёшлигимни ёзибсиз-ку. Қаёқдан билдингиз?.. Хуллас, мухлисимнинг исми Даврон ака экан. Қиссани қайта-қайта ўқийвериш, уни бошдан-оёқ ёд олибди. Ҳолбуки, «Қиронча» қиссамдаги воқеалар ўз қишлоғимда бўлиб

тутинган киши ақлли, зийрак, билимдон, донишманд бўлиб етишади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги 49-мактаб ўқувчиси Нигорахон юздан зиёд китобларни ўқиб чиқибди. Шахсий кутубхонасига эга экан. У шеърлар ҳам ёзаётганлигини тўлқинланиб айтди. Чиндан ҳам ҳозир кўпчилик ўз шахсий кутубхонасига эга. Аммо айрим болалар хусусий кутубхона қилиш уёқда турсин, ҳатто китоб ҳам ўқишмайди. Телевизор, видеофильмларни кўришга ружу қўйишган. Қанчалик кўп қуришса ҳам толиқиб нималигини билишмайди. Аммо уларнинг билим савиялари пастроқ, фикр доиралари тордир...

Китобни ҳақиқий дўст билинг, қайси асарни ёқтирасиз, қайси бир асардаги қаҳрамон тақдири сизни



ЁШ ИҚТИСОДЧИ

YOSH IQTISODCHI

“Тонг юлдузи”га илова
иқтисодий газета



“Ўзбекистон - Ватаним менинг” кўшиқ байрами ғолиблари

ҒИЖДУВОНЛИК ЁШ САНЪАТКОРЛАР СОВРИНДОР БЎЛИШДИ

14-15 август куни пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида Мустақиллигимизнинг 7 йиллигига бағишланган кўшиқ байрамининг якунловчи босқичи бўлди.

“Ўзбекистон - Ватаним менинг” шиори остида ўтган бу кўрик-танловда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўқиб, меҳнат қилаётган санъат шайдолари ўз истеъдодини намойиш этишди.

Одатдагидек, совриндорлар орасида мактаб ўқувчилари ва талабалар бор:

Жаҳон тиллари университетининг талабалари тайёрланган “Ватан” мусиқали композицияси танловнинг бош соврини билан тақдирланди.

Бухоро вилояти Ғиждувон тумани Болалар ижодиёти маркази болалар жамоаси ижро этган “Яй-расин” кўшиқ-рақс мажмуи эса республика Халқ таълими вазирлигининг совринини олишга муяссар бўлди. У ўзининг оригиналлиги, мусиқа ва рақсда миллий анъанавийликнинг

замонавийлик билан узвий боғланиб кетганлиги, яққоллар ва жамоа ижраларининг уйғунлашиб кетганлиги билан олқишга сазовор бўлди.

Қисқаси, Достон Убайдуллаев, Дилшодбек Каттабековларнинг издошлари этишиб чиқаётганидан дарак берган кўрик-танловда ғиждувонлик болалар жамоаси яна бир истеъдодли даста камолга етаётганига далолат бўлди.

М. УММАТАЛИЕВА.



Болаликнинг ҳар куни
Байрам, тантана.
Мустақиллик куни ҳам,
Эш бўлар яна.

Соғлом авлод учун

ШОҲИМАРДОНЛИК БОЛАЛАРГА ЮНИСЕФ-ЭКОСАН СОВҒАЛАРИ

Куни кеча Фарғона туманининг Водил қишлоғида яна бир инсонпарварлик маросими бўлиб ўтди. Сув тошқинидан зарар кўрган тоғли қишлоқ аҳолисини йўқлаб халқаро ЭКОСАН жамғармаси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНИСЕФ Болалар жамғармаси вакиллари келишди. Улар ЮНИСЕФнинг Шоҳимардон аҳолиси учун келтирган инсонпарварлик ёрдамини топширдилар. Одатдагидек, совғанинг олди болаларга аталган. Жами 200 минг АҚШ доллар маблағ миқдоридоги бу совға 10 тонна таркиби витамин ва протеинга бой бўлган болалар озукаси, 20 та тиббиёт жиҳозлари, 20 минг аҳолини 3 ой давомида дори-дармон, тиббий асбоб-ускуналар билан таъминловчи тиббий мосламалар, 2 мингта болалар одоялидан иборат. Улар болаларнинг саломатлигини муҳофаза этишда сезиларли аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиз.

Бу инсонпарварлик ёрдами ЮНИСЕФ билан ЭКОСАН орасида тузилган ҳамкорлик ҳақидаги “АСПЕРА” лойиҳасининг бир қисмидир.

“АСПЕРА” - 1995 йилдан бери амалда. У асосан Оролбўйида яшовчи аёллар ва болаларга ижтимоий ва экологик жиҳатдан ёрдам беришга қаратилган. Бу лойиҳа бўйича юртимиз болалари саломатлигини асрашга халқаро ташкилот 3,12 миллион АҚШ доллари миқдорида ёрдам кўрсатиши режалаштирилган.

ЮНИСЕФ-ЭКОСАН вакиллари Шохимардонга ташрифи тоғда куз нафаси кеза бошлаган, янги ўқув йилига тараддуд кўрилатган кунларга тўғри келди. Ҳукуратимиз ва халқимизнинг жабрдийда шоҳимардонликларга кўрсатаётган ғамхўрликлари ёнига қўшилган бу меҳр-оқибат ирмоғи табиий офатда зарар кўрган болалар қалбида байрам кайфиятини уйғотди.

М. ИКРОМОВА.

Борчани мактаб-мажмуа

АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИ

Тошкент шаҳридаги “Истиқлол” маҳалласида “Алпомиш авлодлари” мавзуида болалар спорт мусобақаси бўлди. Унда Абдулла Набиев номли қўшимча таълим мажмуининг “Навқирон” клуби аъзолари, 172-болалар боғчаси тарбияланувчилари ва 2-Қорақамиш мавзесидаги 15, 16, 17, 19-кўп қаватли уйларида истиқомат қилувчи кичкинтойлар иштирок этишди.

Тадбир ёш санъаткорлар томонидан чалинган карнай-сурнай садолари остида бошланди. Мусобақани туман халқ таълими бўлимининг услубчиси Музаияна Одилова табрик сўзи билан очди. Қизчаларнинг тўп уриш, арқон билан сакраш, халқа айлантириш бўйича беллашувлари ҳақиқий кўнгилли ўйинга айланиб кетди. Ўғил болалар жуфт-жуфт бўлиб шашка суришди, турнақатор бўлиб велосипедда учиб бўйича беллашди.

Халқа айлантиришда қўшимча таълим мажмуининг “Ёш ҳамшира” тўғраги аъзолари, велосипед пойгасида 16-уй болалар шашкачилари беллашувда эса маҳалладаги 16-уй болалари ғолиб бўлишди.

Ўқитувчилар, тарбиячилар ва маҳалла фаолларидан иборат ҳакамлар ҳайъати мусобақа ғолибларини табриклар билан, уларга ўқув адабиётлари ва спорт ўйинчоқларидан иборат совғалар топширишди.

Мусобақа болаларнинг чаққонлик, тезкорлик ва нафосат бобидаги иқтидори кўриги бўлди. Айни вақтда, бу тадбир кўп қаватли уйларида яшаётган оилалар фарзандлари доимий тарбия нигоҳида эканини яна бир бор эслатди.

Алмира ҚОСИМБЕКОВА.

ИҚТИДОРЛИҚ ОРОМҒОҲИ

Ромитан тумани ҳокимияти ва халқ таълими бўлимининг ҳамкорликда июнь ойида иқтидорли ёшлар санаторий-оромгоҳини ташкил этганди. Оромгоҳда 90 нафар иқтидорли ўқувчилар 30 нафардан бўлиб дам олишди. Санаторий-оромгоҳга Низомга асосан фанлар бўйича туман, вилоят олимпиадаларида фаол иштирок этиб, юқори баллар тўплаган болалар танлаб олинди. Ёз ойининг биринчисида тарих, информатика ва ҳисоблаш техника фанларидан олимпиадада қатнашганлар дам олишди. Июль-август ойларида эса навбат биология, химия, она тили ва адабиёт, рус тили фанларини чуқур ўзлаштирилганларга тегили.

Ўқувчилар яхши ҳордиқ чиқариш билан бир қаторда янги ўқув йили олимпиадаларига ҳам пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Бунда уларга тумандан оромгоҳга таклиф этилган бир гуруҳ илғор ўқитувчилар бош-қош.

УШБУ СОНДА:

“ЎздЭУавто” заводи ўзининг 2800 нафар ходими фарзандларига дарсликлар сотиб олиб берди.

АСАКА

7-БЕТ

- Вой, вой, бутун бошли сизирга тўртта қармоқ алишганларини қаерда кўргансан-а.
МАЗОЗЕ (БАРТЕР)
ОРОЛИГА САЁҲАТ

8-БЕТ

...Бразилия болаларига ёрдам берайлик. Бугунги мингинчи тўпимни уларга бағишлайман...

БОЛАЛАРГА АТАЛГАН
1000-ТЎП

9-БЕТ

Ҳозирги кунда кўплаб тижорат банклари еврокредитлар бериш билан шуғулланмоқда. Еврокредитлар деб, евровалюталарда бериладиган кредитларга айтилади.

КРЕДИТЛАШТИРИШ

10-БЕТ


- Яхши томони боя айтганимдек мулоқот, муомала маданиятини, ҳаётни ўргатади. Ёмон томони харид учун ҳар хил одамлар келади. Бировлар жудаям кўпол бўлади.

ЖАМЦЛА

11-БЕТ

ЙИЛНИ МАЙДОҲНАСИ

12-БЕТ





ИСТИҚЛОЛ ВА
ИСТИҚБОЛ

МАКТАБГА -

Сизни ўйлаб, Сиз учун...

САҲОВАТ

Фуқаролар бойиса, мамлакат бойийди, юрт обод бўлади. Мустақиллик даврида ҳаётда ўз ўрнини топишга улгурган кишилар энди атрофидаги кишилар тақдирини ҳам ўйлай бошладилар. Бундай саҳоватпеша инсонлар биринчи галда ёш авлоднинг саломатлигини асраш, унинг таълим-тарбия масканларини созлаш йўлида мурувват кўрсатишмоқда.

Ўтган ўқув йилларида мингдан ортиқ болалар элпарвар юртдошларимиз ҳиммати билан қурилган янги боғча ва мактабларда яйраб, билим олганидан хабарингиз борми?

НАБИЖОН АКА МАҲМУДОВ МАКТАБИ

Фарғона вилоятидаги Валик қишлоғилик тадбиркор Набижон Маҳмудов 10 миллион сўм пул сарфлаб 422 ўқувчига мўлжалланган 2 қаватли мактаб биноси қурдириб берган.

АБДУТОЛИБ ТОҒА ҚУРДИРГАН БОҒИ БОР МАСКАН

Андижон вилоятидаги Ширмонбулоқ қишлоғидаги 31-мактабнинг 220 ўринли шинам биноси эса темир йўл хизматчиси Абдутолиб Шариповнинг шахсий маблағи ҳисобига бунёд этилган. Мактаб атрофидаги ярим гектарлик боғ бу йил шифил мевага кириб, болажонлар йўлига кўз тикиб турибди.

ҲАМ МАКТАБ, ҲАМ БОҒЧА, ҲАМ ШИФОҒОҲ ҚУРДИРГАН БОЙ АМАКИГА РАҲМАТ

Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус туманидаги 4-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Алланиёз Утениёзов эса ўғли Ажнийёз билан бирга бир йўла учта болалар муассасалари қурдилар: Шатлиовулдаги бошланғич мактаб биноси, Хўжановулдаги 50 ўринли боғча ва 2 хонали тиббий шахобча отабола Утениёзовларнинг меҳнатлари ва шахсий маблағлари ҳисобига қад ростлаган.



- Мухтарам Муртазо Султонович! Сизни, сиз орқали республикамиз халқ таълими тизими ходимлари ва барча ўқувчиларни кириб келаётган янги ўқув йили билан табриклаймиз. Суҳбатимиз бошида 1998-1999 ўқув йилининг ўзига хос хусусиятлари хусусида гапириб берсангиз.

- Яқинлашиб келаётган янги ўқув йили икки муҳим ўзига хослиги билан аввалги йиллардан фарқ қилади. Аввало, 1997 йил мамлакатимизда таълим ва ёш авлод йили бўлди, дейиш мумкин. Бу даврда Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан "Баркамол авлод - тараққиётимиз пойдевори" шиори ўртага ташланди. "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур" ишлаб чиқилди. Бу муҳим ҳужжатларни ҳаётга жорий этиш йўлида академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ташкил этиш ҳамда улар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланди. Уларда ҳар бир ўқувчининг истеъдоди ва иқтидорини, билим даражасини белгилашнинг юксак мезонлари ишлаб чиқилди.

Шундан келиб чиқиб, ўтган ўқув йили яқунлари муносабати билан ўтказилган синов ва имтиҳонларда сезиларли даражада талабчанлик ортганини фактлар ҳам, фуқароларимиз ҳам айтиб турибди. Академик лицейларга, касб-хунар коллежларига қабул имтиҳонларини топширган ҳар бир ёш бу йил ўзида олий ўқув юртига киришга даъвогар абитуриентдек масъулият сезгани бежиз эмас. Демак, 1998-1999 ўқув йилидан эътиборан ёшлар-

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари, ўқувчиларни дарслик ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш республика штабининг бошлиғи Муртазо СУЛТОНОВ билан суҳбат.

нинг билимдонлик даражасига кўйиладиган мезон анча юқори бўлади энди.

Мазкур ўқув йилининг ўзига хос яна бир жиҳати шуки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги "Ўзлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ўқувчиларини дарсликлар, ўқув адабиётлари билан таъминлашнинг пуллик шакли жорий этилди. Бу йил ота-оналар, ўқувчилар керакли китобларни дўконлардан эркин нархда сотиб оломоқдалар.

- Бу янгиликдан "Ёш иқтисодчи"ларни қисман хабардор этганмиз. Хусусан, "Ўқитувчи" нашриёти юқоридаги мазмунда тайёрланган суратли рекламани газетамиз саҳифаларида тез-тез нашр этиб турдик. Бироқ, бу билдирувларимизнинг натижалари бизга қоронғи. Ўттиз йилдан бери дарсликлар билан бепул таъминланиб келган аҳоли бугун фарзандларига дарслик ва ўқув адабиётларини пулга сотиб олиш масаласига қандай қарагани ҳақида расмий маълумотни билгимиз келади.

- Халқимиз - сезгир халқ. Ватанимизда тобора чуқур илдиз отаётган бозор иқтисодиёти бугун халқ таълими тизими ва китоб-матбаа соҳасига ҳам кириб келгани аён. Дарсликларнинг замон талабларига жавоб бериши, улар сифатининг яхшиланиши, китобларни ўқувчилар ёшига, жисмоний ривожланишига, санитария-гигиена талабларига мос келиши, ўқув адабиётининг содда, равон ва тушунарли тилда ёзилиши, бир сўз билан айтганда, ўқув қўлланмалари болаларга пухта билим беришга ҳар томонлама йўналтирилганлиги дарсликларни такомиллаштиришнинг асосий

талабларидан бири бўлди. Қолаверса, сир эмаски, одамлар табиатида пулга сотиб олинган молга бошқача ёндошиш, текин товарга ўзгача қараш кайфияти бор. Демак, дарслик сотиб олинса, унга муносабат ўзгаради. Китобнинг кадр-қиммати ортади. Бозор иқтисодиётининг шуларга ўхшаш талабларидан келиб чиқиб қабул қилинган қарор кенг халқ оммаси томонидан қўллаб-қувватланди.

Вазирлигимизга кунора аҳоли томонидан қайси ва қанча дарсликлар сотиб олингани ҳақидаги маълумотлар келиб турибди. Республикамиз савдо тармоқларига жами 300 миллион 793,3 минг сўмлик 3252581 дона дарслик савдога чиқарилган эди. Август ойининг 4-кунигача 121 миллион 587,2 минг сўмлик китоб сотилган. Китоб сотиб олишда пойтахт шаҳримиз, Тошкент, Қашқадарё, Самарқанд, Хоразм, Фарғона, Андижон, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг фаоллиги таҳсинга лойиқдир. Маълумки, байрам яқинлашгани сайин унинг шавқи, тараддуди янада қизғин тус олади. Боз устига, жойларда мактаб бозорлари яқиндагина ташкил этилди. Ҳали дарслик сотиб олишга улгурмаган ота-оналар бу имкониятдан фойдаланиб қолишларига ишонамиз.

- Билишимизча, нашриётларимиз дарсликларни чоп этишда мамлакатимиз халқ таълими муассасаларининг аниқ эҳтиёжларини ҳисобга олиб китоб чиқармоқда. Ноширларга буюртма беришда эҳтимоллик назариясига асосланиб иш юритилгани ёки экспертиза маълумотлари аниқ бўлди-ми?

- Маълум бўлишича, республикамизда бу йил 1 сентябрда 5,6 миллион нафар ўқувчи мактабга боради. Улар учун жами 77,5 миллион нусха (дона)дан ортиқ дарсликлар керак бўлади. Мактаблар кутубхоналари жамғар-

„ЧОҒОНИЁН“ ҒАМХЎРИ БОР

Денов шаҳридаги 1-блалар боғчаси ва 4-мактаб "Чоғониён" ҳиссдорлик жамияти (раиси Олий Мажлис

депутати К.Сапиев) ҳам ўз оталиғидаги мактаб ўқувчиларига дарсликлар шодасини тақдим этди.

Юқорида номлари келтирилганидек, ҳимматли амакилар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Бу сиз - иқтидорли ёшлар келажаги учун пойдевор тикланишида камарбаста бўлаётган яна бошқа саҳоватпешалар билан газетамизнинг келгуси сонларида таништириш режамиз бор.



КИТОБ БИЛАН БОРАДИЛАР

масидаги дарсликларни инвентаризация қилиш натижалари шуни кўрсатдики, уларда 1998-1999 ўқув йилида ҳам фойдаланишга тўла яроқли бўлган 35,1 миллион нусхадаги дарсликлар мавжуд. Бу эса кам таъминланган оилалардан мактабга чиқадиган ўқувчиларнинг 74 фоизини дарслик билан бепул таъминлаш имконини беради. Қолган 26 фоиз ўқувчиларни дарслик билан таъминлаш учун қўшимча маблағ топиш чора-тадбирлари кўрилди. Бу болалар асосан 4-5 синф ўқувчилари бўлиб, улар янги ўқув йилидан бошлаб лотин графикасига асосланган янги ўзбек алифбосида билим оладилар. Энг сўнгги маълумотларга кўра, бу ўқувчиларни китоблар билан таъминлаш учун 500 миллион сўм маблағ зарур.

Вазирлигимиз юртимиздаги серфарзанд ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлган 1 миллион 600 мингдан ортиқ ўқувчига дарсликлар беришда ёрдам кўрсатишларини сўраб, республикамиздаги 400 га яқин иқтисодий жиҳатдан бақувват жамғармалар, ташкилотлар ва алоҳида шахсларга хат билан мурожаат этди. Вазирликнинг банкда шу мақсадга йўналтирилган махсус ҳисоб рақами очилди. Кам таъминланган оилаларнинг болаларига ҳомийлик ёрдамини ташкил этиш бўйича республикамиздаги барча вилоят ҳокимларининг, мутлоқ кўпчилик туман (шаҳар) ҳокимларининг алоҳида қарорлари қабул қилинди. Юзлаб ҳомий ташкилот ва корхоналар ўз ҳудудидаги мактабларни дарслик билан таъминлашга қарор қилди. Жуда кўплаб корхоналар маъмуриятлари эса ўз меҳнат жамоаси аъзоларининг болаларига дарсликлар олиб берди. Бир қанча йирик, иқтисодий бақувват ташкилотлар вазирликда очилган махсус ҳисоб рақамига ўтказган ҳомийлик маблағлари 10 миллион сўмдан ортиб кетди.

Куни кеча бўлиб ўтган Касаба уюшмалари федерациясининг йиғилиши қарорига мувофиқ, жойлардаги барча касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари ўз жамоаси аъзолари фарзандларига бадаллар эвазидан пул ўтказиш йўли билан дарсликлар олиб берадиган бўлди.

Айни вақтда, кам таъминланган оилалар фарзандларини дарслик билан таъминлашда ҳомийликнинг яна бир шакли - муайян ҳудуддаги аниқ мактаб ўқувчиларига пул ўтказиш йўли билан дарслик олиб бериш усу-

ли кенг оммалашди. Буни Қашқадарё вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин.

- Муртазо Султонович, сиз келтираётган маълумотлар киши қалбини тўлқинлантирадиган факт. Бу - халқимиз ҳар қандай шароитда ҳам ўз дилбандларининг келажаги учун талмал тоши қўйишга қодирлигидан, саҳоватли инсонларимиз доимо эл юкини кўтаришга ҳозирлигидан далолат. Лекин бу ҳисобкитоблар яна бир ҳақиқатни кўз олдимизга аён этмоқда. Қаранг-а, шунча саҳоватпешаларнинг ҳиммати билан умумхалқ ишига айланган ҳомийлик маблағи ҳали-ҳозирча зарур 500 миллионга етибди. Агар шунча маблағ тўпланса, у ҳамма ўқувчиларнинг эҳтиёжини эмас, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун зарур дарсликларнинг ҳам 26 фоизига етаркан. Демак, давлат дарсликлар учун ҳар йили ниҳоятда катта маблағни текиндан тарқатаётган экан-да!

Бу йил дарсликлар фуқароларга дўконда сотилгани билан, барибир, дарсликларга бўлган эҳтиёжнинг асосий қисми ҳали ҳам давлатимиз томонидан қопланар экан-да?

- Албатта! Мактаб кутубхоналари жамғармасидаги яроқли деб топилган 35,1 миллион нусха дарсликдан ўқувчилар бепул фойдаланадилар. Ўтган ўқув йилида 1-синфга қадам қўйган 600 минг ўқувчи 18 номдаги ўқув қуроллари билан бепул таъминланган эди. Янги ўқув йилида

ҳам бу анъана давом этади. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг қароридан меҳрибонлик уйлари, ақлан ва жисмонан заиф болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларнинг 700 мингдан зиёд ўқувчиси ҳам дарсликлар билан бепул таъминланмоқда.

- Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий тилли мактаблар учун дарсликлар муаммоси қай йўсинда ҳал этилмоқда?

- Республикаимизда 800 дан зиёд рус, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик мактаблари бор. Уларда 400 мингдан ортиқ ўқувчи таълим олади. Бу ўқувчилар учун дарслик асосан ўз нашриётларимизда чоп этилди. МДХ мамлакатларидаги ўзбек мактаблари ўқувчилари учун ўзбек тилидаги китоблар ўша республика давлат тилидаги дарсликларга бошмабош алмаштирилди. Масалан, биз Қозоғистондаги ўзбек мактабларига 214965 нусха китоб юбордик. Қозоғистонлик дўстларимиз ҳам Ўзбекистондаги қозоқ мактабларига қозоқ тилида шунча дарслик юборди.

Рус тилидаги китоблар учун Россиядаги "Просвещение" нашриёти билан шартнома тузганмиз. Бундан ташқари, "Просвещение" юртимиздаги рус мактаблари учун 15 турдаги 80 мингта дарсликни совға қилди.

Шу тариқа республикамиздаги ҳамма ўқувчиларнинг дарсликка бўлган эҳтиёжини тўла қондириш арафасидамиз. 1 сентябрда ўқувчиларимизнинг барчаси мактабга ўқув қуроллари билан тўла портфел кўтариб боришади.

- Иншооллоҳ! Суҳбатингиз учун ташаккур.

Музаффар ПИРМАТОВ
суҳбатлашди.

КИМДА БЎЛСА ЖЎМАРДЛИК, СОВҒА ҚИЛМОҚДА ДАРСЛИК!

Янги ўқув йили арафасида ҳаммани тенг қизиқтираётган бир муаммо - ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш муаммоси қандай ҳал этилаётганига оид айрим маълумотлар билан таништирмаймиз.

ЯККАБОҒ:

Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани ҳокимлигининг фармойишига биноан таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, бунда асосан дарсликлар муаммосини ҳал этиш учун оталиқ ташкилотлар туман халқ таълими бўлимига 4 миллион 790 минг сўм пул ажратди.

Жумладан, Яккабоғ дон маҳсулотлари жамоаси Йўлдош Охунбобоев номидаги мактабга 50 минг сўмлик, "Оқ олтин" очик турдаги ҳиссадорлик жамияти эса Ойбек номидаги 77-мактаб ўқувчиларига 150 минг сўмлик дарслик сотиб олиб берди.

ГУЛИСТОН:

Туман ҳокимияти кам таъминланган оилаларнинг 1024 нафар фарзандига тўла дарсликлар мажмуини совға қилди.

АСАКА:

"ЎздЭУавто" заводи ўзининг 2800 нафар ходими фарзандларига дарсликлар сотиб олиб берди.

САЙХУНОБОД:

Туман тадбиркорлари ёзги таътил ўртасидаёқ кам таъминланган оилаларда вояга етаётган ўқувчиларга дарсликлар олиб бериш мақсадида бир миллион сўм пул тўплаган эдилар. Бу маблағга дарсликлар сотиб олиниб, янги ўқув йилига тахт қилиб қўйилди.

ФАРҒОНА:

Вилоят туманларида кам таъминланган оилалар фарзандларига дарсликлар сотиб олиш учун маблағ ўтказиш кунлари ташкил этилди. Биргина Охунбобоев туманида ана шундай тадбир чоғида 2 миллион сўм пул тўпланди.



"Китоб билан келажакнинг эшигини очамиз".



Пул. Пулнинг тараққиёт тарихи

Иқтисод дарсини ўтишга келган Сехргар Қирол ва Қироличани сайр кийимида учратди.
- Қаерга отландинглар, мухтарам шаҳаншоҳ? - қизиқиб сўради у.
- Иқтисод дарсига. Ёки бугун саёҳатга чиқмаймизми?
- Нега энди? Агар саёҳатга чиқмоқчи

ларни кўйлақка, кимдир денгиз тошларини мунчоққа алмаштириши билан овора. Атрофда шунақанги шовқин-сурон турдики, асти қўяверасиз, ҳаттоки, киши ўз овозини эшитмайдиган ҳолатга ҳам келиб қолди.
- Алмаштираман! - дея қулоқни қоматга келтириб бақириб юрарди бир чол. - Пишиқ тўқилган саватимни иссиқ кофтага олиштираман.
- Кимга қулуннай!? Кимга қулуннай? Қулуннайни товўққа алмаштираман. Эй, ҳам-

- Унда нима керак экан?
- Тумовга қарши таблеткалар. Аптекачи Гуди эса таблеткалар эвазига товўқ сўрапти, товўқ учун кўзалар, кўзага эса дон айирбошлашмоқчи. Шунинг учун ҳам сираям ўғлимизга сумка олиша олмаётимиз.
- Ҳа, анчагина чигал муаммо экан, - деди шоҳ Ойкос. - Бизнинг оролда нарса алмаштиришда доимо шу муаммо бор. Масалан, сиз балигингизга сизир алмашмоқчисиз: бунинг учун биринчидан, алмашиши мувозанати

ичида тузми ё бирор нарса тўла "ҳамёни" кўйиб-пишиб ортмоқлаб кетаяпсиз. Жудаям ноқулай бўлса керак? Масалан, уй сотиб олиш учун кўп пулни қандай тўплаш мумкин. Агар пул ўрнига кўй, эчки сақламоқчи бўлсангиз уй сотиб олгунингизча у қариши ё ўлиб қолиши, оқибат сиз яна ҳеч вақосиз қолингиз ҳам мумкин-ку.

- Фикрларингиз ўринли, - дея доно шоҳ мулоҳазаларини маъқулади Сехргар. Товар пулларнинг камчилиги кўп. Шунинг учун ҳам одамлар металл пуллари жорий қила бошладилар. Дастлаб металл пул шакллари ҳар хил бўлди. Кейинчалик унга думалоқ шакл берди-



МАВОЗЕ (БАРТЕР)
ОРОЛИГА САЁҲАТ

(ИҚТИСОДИЙ ЭРТАК,
6-ҚИСМ)



бўлсангиз, марҳамат.
Сехргар сеҳрли таёқчасини ҳавода силкитди. Ва шу онда Қирол, Қиролича Лазур денгизда сузиб кетаётган кемада пайдо бўлдилар. Сувадаги саёҳат кўнглидагидек ўтди. Обҳаво жуда яхши, осмон мусаффо, денгиз сокин, сув эса кўм-кўк... Бир оздан сўнг сайёҳ-

шаҳар. Товўқини янги узилган, ширин қулуннайларимга алиштирмайсанми? - дея таклиф қилди бир аёл. - Бундай қулуннайларни сиз ҳеч қаердан топа олмайсиз.
- Э, йўқ, товўқининг нархи баян. У ҳар кунги туҳум қилади ва сира ҳам томорқага тушиб, экинларни пайҳон қилмайди. Қолаверса, бунинг устига, менга қулуннай керак эмас. Менга 3 та кўза ва битта сопол товўқ керак, - дея товўқ кўтариб юрган аёл ҳаммадан ҳам баландроқ овозда мурожаат қилишига интилиб, бор овози билан гапира бошлади:

- Кимга товўқ керак. Товўқни кўза ва товўққа алмаштираман. Кимда сопол идишлар бор?!

Шу атрофда кема ошпази (кемада унга кок деб мурожаат қилишади) билан туб аҳолик киши ўзаро алмашиадиган нарса топишга топишибди-ю, лекин нарх борасида тил топиша олмади тортишарди.

- Сигиринени 2 та балиқ тўрига сира ҳам алмашиб бўлмайди. Чунки сигиринг жуда асов экан. Уни кемага олиб чиқишининг сира имкони бўлмаяпти. Юрмайди. Ҳа, майли, кел, битта шу ёмон сигиринга тўртта қармоқ бераман.

- Вой, вой, бутун бошли сигирга тўртта қармоқ алишганларини қаерда қўргансан-а. Қачонки унга бир рулон шойи ва бир сават янги узилган апельсин таклиф қилишган бўлса! Умуман оғанда, сигирим сен айтганчалик ёмон эмас, жудаям ювош. У қуруқликда юриб ўрганган, сувда эмас. У сузишни билмайди, шунинг учун ҳам сувдан қўрқади.

Энди тушунгандирсиз, бу ердаги шовқин-суроннинг сабабини? Ҳар ким ўзига зарур нарсани олишга ҳаракат қилар, бунинг устига сотаётган моллари олаётганларига нисбатан қимматли эканлигини ўқитишга уринар эдилар.

Ҳали аҳоли ўртасида савдо олди-берди ишлари қизиқ турган бир пайтда шоҳ Ойкос Қирол ва Қироличани саройига таклиф қилди. Саройда уларга мазали, хушбўй тушлик мунтазир эди. Йўлда улар йиғлаб ўтирган гулчи Роза ва турмуш ўртоғи, денгизчи Блужмига дуч келдилар.

- Нима бўлди, Роза? Ким сени ҳафа қилди? Ҳамма хурсанд юрса-ю, сен нега ҳафасан? - сўради Ойкос. Шоҳ оролдаги янги тугилган чақалоқдан тортиб, қарияларгача исмларини билар эди. Чунки биринчидан, орол кичкина эди. Иккинчидан, шоҳ доно ва ақлли эди-да.

- Қандай қилиб йиғламай? Ўғилчамиз мактабга боришига ҳам саноқли кунлар қолди. Биз эса ҳали-ҳануз сумка олиб беролганимиз йўқ.

- Нимага?
- Сумкани Олан амаки тикади. Лекин унга бизни балигимиз ҳам, гулларимиз ҳам керак эмас.

тўғри бўлиши учун жуда кўп миқдорда балиқ овлашингиз керак, иккинчидан шунча кўп балиқ оладиган харидор топиш керак, учинчидан балиқни айлантиб қўймалик керак, харидор топишгунча. Мавозеда нархлар бўйича ҳам сакраш бўлади. Бугун бир қоп унга иккита болта олиши мумкин бўлса, эртага оч қолган темирчи сизга ўша ун учун учта болта беришга ҳам тайёр бўлади. Ахир шу адолатданми? Утаётган вақтни айтмайсизми? Дидингизга маъқул айирбошлашни амалга оширгунингизча қанча вақтингиз кетади.

- Ҳа, ҳақиқатан ҳам катта муаммо, - деди Қирол.

- Ва бу муаммони ечишда сизларга фақатгина Иқтисод Сехрғари ёрдам бера олиши мумкин, - Қирол фикрини давом эттирди Қиролича.

Қиролича гапини тугатар-тугатмас, қаршилариди Сехргар пайдо бўлди.

- Мен сизларга ёрдам беришга розиман, - деди у. - Менга диққат билан қулоқ солинглар. Мавозе товарни-товарга айирбошлаш. Бу энг қулай йўл, лекин унинг бир мунча ноқулайликлари бор. Товарини олишчи кишини бир неча кунлаб қидиришинг, баъзида харидорини топа олмастисиз ҳам мумкин. Баъзан эса харидор топишганда ҳам товар айирбошлаш амалга ошмаслиги ҳам мумкин. Сигирини тикув машинасининг нинасига алиштириб бўлмайди-ку.

Одамлар мавозенинг ноқулайликларидан азият чекардилар. Товар хили қанчалик кўнайсан сари уни ўзаро айирбошлаш шунчалик мураккаблашиб бораверди.

Вақт ўтиши билан шундай товарлар мажмуи вужудга келди-ки, бу товарлар эвазига одамлар ўзига керак товарларни олиш имкониятига эга бўлдилар. Шундай қилиб биринчи пуллар - хизмат ҳақи ва товар ўрнига ўтадиган буюмлар, нарсалар пайдо бўлди. Уларни товар пуллар деб атай бошладилар. Ҳар мамлакатнинг ўз товар пуллари яратилди. Ақула тишлари, қоратўриқ чиганоғи, қуш пати, туз, бугдой, тамаки, ҳайвон териси, тирик моллар (кўй, сизир, буқалар) - пул вазифасини ўтай бошлади. Қизиқ, бу "пул"ларга исталган товарни харид қилиш ёки ундан шахсий эҳтиёж учун ҳам фойдаланиш мумкин эди. Масалан, бугдойдан ун қилиб олиш, теридан кийим тикиш...

- Бу албатта, мавозега нисбатан анча қулай, - дея эътироф этди шоҳ Ойкос. Айтмайлик, дала ҳовлингизни сизирга алишдингиз. Бирдан сизир касал бўлиб, ўлиб қолса, пулга кўйиб қолаверасиз-ми? Ёки дала-ҳовлига туз айирбошлаган бўлсангиз-чи? Шунча тузни нима қиласиз. У конфет эмаски, мазза қилиб есангиз. Ёки туз пул эмаски, уни ҳамёнингизга солиб, бошқа шаҳардаги ярмаркага борсангиз. Тасаввур қилинг, бозорда юрибсиз. Орқангизда бесўнақай, қоп-қанорли,

лар. Тангаларни турли металллардан ясадилар: бронза, мис, олтин, қумуш...

- Қойил! - қувониб кетди Қирол. Металл пуллар бизни барча муаммоларимизни ҳал қилади. Биринчидан, уни истаганча сақлаш мумкин, ҳатто ерга кўмиб қўйсаям бўлаверади. Иккинчидан, қайтиб беришга ҳам имко-



ният тугилади.

- Бундан ташқари олтин ва қумуш жудаям чиройли, - дея эътироф этди Қиролича.

- Ҳа, мен ҳам сизларнинг фикрингизга қўшилман, - деди доно шоҳ Ойкос. - Металл пуллар товар пуллarga нисбатан анча яхши. Олтин ва қумуш нодир ва камёб металл. Уни ҳар бир киши экон деб товарга алмашади. Шунинг учун ҳам ёмон одамлар уни ўғирлаб кетиш ҳаракатида бўладилар.

- Мана энди нима учун сизни ақлли, доно шоҳ Ойкос, дейишларини тушундим, - дея жилмайди Сехргар. - Ҳақиқатан ҳам кишиларга қоғоз пуллар муомалага чиққунга қадар металл пуллар кўп хизмат қилди. Металл пуллари муомалада ишлатиш жуда қулай, уни кўп миқдорда йиғиш мумкин. Қайтим беришга майдалаш ҳам осон. Бундан ташқари қоғоз пуллар металл пулларчалик кўп жой эгалламайди. Қоғоз пуллар тез йиртилиб, ярқисиз ҳолга келиб қолмаслиги учун пишиқ ва сифатли қоғоздан тайёрланади.

- Бу менга жуда ёқади! - дея қувониб кетди шоҳ Ойкос. - Бугун билганларимни кеча билганимда эди! Бир дақиқа ҳам кечиктирмай янги қонун жорий қиламиз.

Бугундан бошлаб оролимизда барча товарлар пулга сотилиб, харид қилинсин. Пулни ҳужумат раҳбари сифатида шахсан ўзим зарб қилдираман.

Яна бир муаммо. Уларни қандай атаймиз ва пуллар қандай кўринишида бўлади?

- Шу ҳам муаммо бўлди-ю? Мана "Ёш иқтисодчи"нинг ўқувчилари сизга бу масалани ечишда яқиндан ёрдам берадилар, - деди Сехргар.



ИШБИЛАРМОН МАЙКЛ ЖЕКСОН

Поп-музыка қироли - машхур эстрада кўшиқчиси Майкл Жексон сўнгги йилларда нафақат кўшиқлари, балки кишиларга кўрсатаётган одамийлиги, меҳр-оқибати-ю, саховати билан курраи-замин аҳли орасида шухрат топиб борапти. 40 ёш пиллапояларига чиққан бу кўшиқчи қора танлиларнинг авлодлари хусусида қайғуришни қанда қилмайди. Умуман олганда, "қирол" ёш авлод тўғрисида қайғуришни ўрнига қўядиганлар хилидан. У ҳаёти давомида болалар учун ҳеч қачон чўнтагидаги "ақча"ларни қизғанмаслигини бир неча бор исбот этган.

Яна Майкл Жексон болалар учун хайрли тadbир ўтказаяпти, яъни у Жанубий Кореянинг Мужду тоғ курортини ривожлантириш учун 100 миллион доллардан кўп маблағ сарфламакчи. Бу курортда у болалар учун "Диснейленд"га ўхшаган боғ яратмоқчи. Албатта, бориб-бориб бу жойлардан каттагина фойда келишини кўшиқчи назардан четда қолдирмаган бўлса ажабмас. Мана сизга ҳақиқий тadbиркорлик. Майкл Жексон ҳам ишбилармон, ҳам саховатпеша шахс, ҳам эл назарига тушган санъаткор, чўнтагини ҳам унутмайдиган одам.



БОЛАЛАРГА АТАЛГАН

1000 -
Тўп

Ҳа, топдингиз, гап ўша машхур футболчи Пеле ҳақида. Унинг 1000 тўпини болаларга нима алоқаси бор, дейсизми?

Пеленинг 1000-голи уни ардоқлаган, камолга етказган, шон-шухрат, обрў-эътибор олиб берган жаҳондаги энг улкан стадионда кiritилиши керак эди...

Бу ўйинда маълумотларга кўра, Пеле жуда ҳаяжонланган. Нафақат Пеле, балки унинг гуруҳдошлари, стадион, футбол ишқибозларигача тўлқинланиб турдилар. Пеленинг шериклари унга жуда ҳам ёрдам беришни хоҳлаб, ҳаддан ташқари шошма-шошарлик қилар эдилар. Биринчи тайм давомида Пелега оширилган барча тўплар рақибларнинг тайёр ўлжасига айланиб қолаверди. Ҳаяжон, қолаверса, хайрихоҳлик оқибатидаги "Сантос" Пеленинг 1000-тўпи деб, ҳатто ўз дарвозасини ҳам унутиб қўйди.

Иккинчи таймни 32-дақиқасида Рене уни чалиб йиқитиши натижа-сида пенальти эълон қилинди. Стадионни "Пе-ле", "Пе-ле" деган хитоблар тутиб кетди.

Энг ҳаяжонли дақиқа... Ҳамма бирдан тин олди.

Пеле аста қадам ташлаб, орқага юрди. Тўп дарвозабоннинг чап ва пастки томонига тепилди. Тўп - дарвозада! Гол!!! Бутун стадионларзага келди. Пеле дарвозабон ётган ерни четлаб ўтди. Тўпни қўлига олиб, уни ўпа бошлади.

Ҳамма - томошабинлар ҳам, журналисту ўйинчилар, тартиб сақловчи полициячиларгача Пелени қуршовларига олиб, унга ҳавасу-хайрихоҳлик билан боқардилар. Шу дамда кимдир Пеленинг майкасидаги аънанавий 10 рақам ўрнига 1000 рақамини ёпиштириб қўйди.

Пелега ўнлаб микрофонлар узатилди. Камералар ишга тушди. Ҳали ҳам журналистлар елкасида ўтирган Пеле кўз ёшларини артди, ишқибозларига қўлларини силкитди. Кейин тез-тез ҳаяжондан дудқланган, хириллаган, товуш билан гапира бошлади:

"Мени бутун мамлакат тинглаётган ва томоша қилаётган шу дамларда куйидагиларни айтишни истардим, дўстлар келинг, кулбаларда яшаётган камбағаллар, қашшоқлар, оч-яланғоч болаларни ўйлайлик. Келинг, ҳаммамиз биргалашиб уларга ёрдам берайлик...

Мен ҳам оч-яланғоч бола бўлганман, шунинг учун ҳам очарчилик нима эканлигини яхши биламан. Келинг, оч-яланғоч болаларга, етим-есирларга, бутун Бразилия болаларига ёрдам берайлик. Бугунги мингинчи тўпимни уларга бағишлайман...

Яшасин болалар!



Мазкур сурат қайси мультфилмдан олинган.

ДУНЁДАН БЕХАБАРЛАР

Бой одамнинг боласи эркактой бўлганидек, бой мамлакатларнинг ёшлари ҳам тантакроқ бўлишар экан. Бундай дейишимизга асос бор. Мисол учун, Кувайтда ўтказилган тест сўровларидан кейин шундай хулосага келинди. Улар фақатгина араб кўшиқчиларининг номма-ном айтиб бера олишди.

Қолган натижалар эса... Мана, улар!

Оммавий ахборот воситалари орқали тез-тез кўриниб турадиган дунёдаги йирик арбоблар уларга мутлақо нотаниш.

БМТ бош котиби Кофи Аннани ҳар беш талабанинг биттаси африкалик футболчи деган бўлса, Гельмут Колни астойдил "ганиб" машхур гольф ўйинчиси дейишди. Ҳар уч талабадан иккитаси АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайтни кино юлдузи, ҳатто айримлар бор-э деб, янги кўшиқларини интизорлик билан кутаётганим - Мадонна деб ўйлашди. Ана, сизга дунёдан бохабарлик.

Сиз-чи, болалар? Сизнинг бу борада дунёқарашингиз, билимингиз қандай?

АЛДОҚЧИННИНГ ЖАЗОСИ

Кўпчилик қатори Кениядаги қишлоқлардан бирида яшовчи ёшлар ҳам сеҳру-жоду билан шуғулланувчиларни жуда ёмон кўрар эканлар. Улар бир вақтлар Европада қўлланилган усулни жорий қилмасаларда, жодугарларни даволашга бел боғладилар. Ёшлар бу тоифадаги одамларни, улар 40 ёшдан-70 ёшгача бўлиб, маҳаллий табибга мажбуран олиб бора бошладилар.

Натижада тиббиёт "дориси" қор қилсин учун жодугарларга - бу қобилиятни йўқ қилувчи "сеҳрли сув" ичирила бошланди. Энди гўёки шўрлик жодугарлар жинлар билан муомала қила олмас эмишлар.



Сув остига саёҳат.

КўП ГАП ҚУЛОҚҚА ЁҚМАС...




Ҳозирда ҳаётимизга кўпгина дунё янгиликлари шиддат билан кириб келмоқда. Булардан бири чўнтак телефонларидир. Унинг ўзига хос афзалликларини, қулайликларини ҳақида кўп эшитгансиз. Лекин, бу масаланинг ҳам бир лекини чиқиб қолди-да.

Британиялик тиббиёт ходимлари доимо чўнтакларидан телефон олиб юривчилар ўртасида мижозларнинг ўз хоҳишларига кўра тажриба ўтказди. Тажриба натижалари қандай бўлди дейсизми? Э, оқибат юрак оғриғи борлар чўнтак телефонлардан камроқ фойдаланишлари кераклигидан хабардор бўлдилар.

Бундан ташқари, сиз кунига бир соатдан ортиқ бу телефондан фойдалансангиз бош оғриғига дучор бўлар экансиз (ҳатто, оддий телефон ҳам бундан мустасно бўлмаса керак). Соғлом одам 35 дақиқадан ортиқ бу техника орқали алоқа ўрнатса қон босими касаллигини орттитар экан.

Хулоса шуки, чўнтак телефонларидан соғлиғу, қолаверса ҳамёнингизни ўйласангиз камроқ фойдаланарсиз.



КРЕДИТЛАШТИРИШ

КРЕДИТЛАШТИРИШ ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАСИЗ?

Кредитлаштириш деганда, кредит ресурслари ҳисобидан тадбирларни амалга ошириш даражаси тушунилади. Унинг кенг тарқалган турларидан бири банкли кредитлаштиришдир. Бунинг мазмуни шундаки, барча тадбирлар банк муассасалари томонидан амалга оширилади. Масалан, тижорат банки корхонага асбоб-ускуналар сотиб олиш мақсадида кредит беради. Бу жараён банк томонидан кредитлаштириш деб аталади.

Ривожланган хорижий давлатларда, хусусан, Германия, Буюк Британия, Бельгия каби давлатларда кредитлаштириш тушунчаси камдан-кам ҳолларда қўлланилади. Банк маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган тадбирлар ҳам молиялаштириш деб аталади.

Кредитлаш деганда эса, банклар томонидан бериладиган кредитлар ҳисобига амалга ошириладиган тадбирлар тушунилади.

ЛИЗИНГ КРЕДИТЛАШНИНГ ҚАНДАЙ ШАКЛИ?

Лизинг - бу заводларни, саноат товарларини, ускуналарни, қўзғалмас мулкларни мулк эгаси томонидан уларни ишлаб чиқариш мақсадларида ишлатиш учун ижарага бериш тўғрисидаги шартномадир. Бунда товарлар ижарага берувчи томонидан сотиб олинган бўлади ва шу сабабли ижарага берилган товарларга нисбатан мулк ҳуқуқини сақлаб қолади. Лизинг шартномасида банклар ёки лизинг фирма-

лари ижарага берувчи ҳисобланалди.

Лизинг ибораси инглизча "For lease" сўзидан олинган бўлиб, "ижарага олмақ" деган маънони англатади.

Лизинг кредитлаш шакли сифатида жаҳон банк амалиёти учун янгилик эмас. Лизинг типидagi операцияларнинг эрамингача бўлган икки минг йил муқаддам қадимги Вавилонда мавжуд бўлганлиги тарихий манбаларда қайд этилган.

ҲИСОБЛИ КРЕДИТНИНГ БАНК МИЖОЗИ УЧУН ҚАНДАЙ АФЗАЛЛИКЛАРИ МАВЖУД?

Ҳисобли кредитнинг тижорат банкларининг миждозлари учун қуйидаги афзалликлари бор:

а) ҳисобли кредит контокоррент кредитидан анча арзон бўлган кредитдир;

б) миждозларнинг дебитор қарзларини тўлаш муддати анча узайтирилгани, уларга ликвидли маблағлардан бевосита фойдаланиш имконини беради;

с) қўшимча кафолатлар талаб қилишга унчалик зарурат тугилмайди.

ЛИЗИНГНИНГ ИЖАРАДАН ҚАНДАЙ ФАРҚИ БОР?

Лизингнинг оддий ижарадан асосий фарқи шундаки, лизингда ижарага берилган асбоб-ускуналар шартнома муддати тугагандан сўнг, уларни қолдиқ қиймати йиғиндисиде сотиб олиш кўзда тутилади.

Лизингни фарқлантирувчи хусусиятларидан яна бири шундаки, лизинг компанияларида лизинг операцияларини амалга ошириш учун ўз маблағлари етишмайди. Шу сабабли, кўпчилик лизинг операцияларида жалб қилинган маблағлар кенг қўлланилади. Ривожланган хорижий давлатларда лизинг операцияларининг 85% жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган лизинг операциялари эканлиги қайд этилган. Бунда, одатда, банкнинг узоқ муддатли ссудалари жалб қилинади. Ижарачи ижарага берилаётган ускуналар қийматининг 80 фоизигача ҳажмда узоқ муддатли ссуда олади ва бу ускуналарни сотиб олади. Бунда ижарага берилаётган ускуналар ва ижарага тўловлари берилган ссудалар учун таъминланганлик ҳисобланади.

Оддий ижарага эса, бу ҳолатни, яъни жалб қилинган маблағларнинг бу қадар юқори салмоққа эга эканлигининг гувоҳи бўламиз.

ҲИСОБЛИ КРЕДИТ БЕРИШНИНГ ТИЖОРАТ БАНКИ УЧУН ҚАНДАЙ АФЗАЛЛИКЛАРИ МАВЖУД?

Ҳисобли кредит беришнинг тижорат банки учун бир қатор афзаллик томонлари бор. Шулардан асосийлари қуйидагилардир:

а) ҳисобли кредит - бу ликвидли кредитдир. Тижорат банки уни хоҳлаган вақтда марказий банкка бериб, кредит йиғиндисини нақд олиши мумкин. Амалиётда бу операция редисконт деб аталади;

б) ҳисобли кредит нисбатан хавфсиз кредитдир. Векселда кўрсатилган йиғиндини тўлов учун жавобгар шахс тўлайди. Унинг

тўловга қобиллиги эса ариза бериш жараёнида текшириб кўрилади. Тўлов амалга оширилган кун аниқ кўрсатиб қўйилади;

с) ҳисоблаш кредит банк учун яхши даромад манбаидир. Векселни сотиб олиш вақтида белгиланадиган чегирма йиғиндисини сезиларли миқдорда даромад келтиради. Муддатидан олдин тўлиқ редисконт қилинган тақдирда ҳам тижорат банки даромад кўради. Чунки, марказий банкнинг дисконт ставкаси тижорат банкнинг ставкасидан паст бўлади.

АВАЛЬ КРЕДИТНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ НИМАДА?

1. Аваль кредитининг миждоз учун қуйидаги афзалликлари мавжуд:

а) миждознинг харажатларини камайтиради;

б) махсус кафолатларга зарурият тугилмайди;

с) битимни амалга ошириш тезлашади;

д) аваль кредитини олган шахс ликвидли маблағларни ишлатмаслиги мумкин, чунки, у кейинроқ қарама-қарши тўловларни амалга ошириши мумкин.

2. Аваль кредитининг тижорат банки учун қуйидаги афзалликлари мавжуд:

а) банкнинг ликвидли маблағлари ишлатилмаслиги, миждознинг ихтиёрига берилмаслиги мумкин. Лекин шунга қарама-дан банк даромад олади;

б) аваль кредитида юзага келувчи чиқимлар сезиларсиздир.

ҲИСОБЛИ (ДИСКОНТЛИ) КРЕДИТ ДЕГАНДА НИМАНИ ТУШУНАСИЗ?

Векселни тижорат банкка сотиш йўли билан олинган кредит ҳисобли кредит дейилади. Векселни сотиб олиш баҳоси, векселда кўрсатилган йиғиндидан фоизларни, комиссия тўловларни ва бошқа харажатларни айириб ташлаш йўли билан аниқланади. Вексель эгаси бу йиғиндини нақд пул кўринишида ёки счётига ўтказиш орқали олиши мумкин. Вексель банк номига махсус ёзув орқали ўтказилади. Бу ёзув индоссамент деб аталади. Шунинг билан вексель бўйича мавжуд барча ҳуқуқлар банкка ўтади. Мазмунига кўра, бу кредит операциясидир. Чунки тижорат банки векселнинг эшасига векселда кўрсатилган муддатга кредит беради. Одатда бу муддат 90 кундан ошмайди.

ЛОМБАРДЛИ КРЕДИТНИ ҚАНДАЙ ТУШУНАСИЗ?

Ломбард деганда осон ва тез сотиш мумкин бўлган буюмларни гаровга олиш тушунилади. Бундай гаров ломбардли кредитнинг асосини ташкил қилади. Ломбардли кредитлар ўрта асрларда ҳам мавжуд бўлган, айниқса, шимолий Италияда кенг ривожланган эди.

Ломбардли кредит - қисқа муддатли, миқдори қатъий белгиланган ссуда бўлиб, осон сотиладиган қўзғалувчи мулк ёки ҳуқуқ билан таъминланган бўлади.

Ломбардли кредит берилаётганда гаров тўлиқ миқдорда баҳоланмайди. Балки, қўзғалувчан мулкнинг турига қараб, унинг қийматининг бир қисми ҳисобга олинади. Баҳолашда бундай тартибнинг мавжудлиги гаровга қўйилган мулкни сотиш жараёнида юзага келувчи хавф-хатарга боғлиқ. Ломбардли кредит муомала соҳасини қисқа муддатли кредитлашда кенг қўлланилади. Кўпинча у овердрафт ёки мавсумий кредитлаш шаклида ишлатилади.

**Ё.АБДУЛЛАЕВ,
Т.БОБОҚУЛОВ**

ЕВРОКРЕДИТЛАР ҲУСУСИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

Ҳозирги кунда кўплаб тижорат банклари еврокредитлар бериш билан шуғулланмоқда. Еврокредитлар деб, евровалюталарда бериладиган кредитларга айтилади. Энг кенг тарқалган евровалюталар сифатида АҚШ долларини, Германия маркасини, Япония иенасини, Буюк Британия фунтстерлингини, Франция франкини ва Швейцария франкини кўрсатиш мумкин. Жаҳон ссуда капиталлари бозорида бу валюталарга "евро" сўзи қўшиб айтилади: евродоллар, евромарка, еврофунтстерлинг ва ҳ.к.

Евровалюта нима? Евровалюта деганда ўша валютанинг мамлакат ташқарисидagi барча йиғиндисини тушунилади. Масалан, евродоллар деганда, АҚШ территориясидан ташқаридagi барча АҚШ долларлари тушунилади. Ҳозирги кунда дунёда 25000 дан ошиқ тижорат банки бўлиб, шулардан 50 га яқини еврокредитлар билан шуғулланади.



АВАЛЬ КРЕДИТИ НИМА?

Амалиётда шундай ҳоллар тез-тез учраб турадики, бунда корхоналар товарларни сотгандан сўнг, анча вақт ўтгандан кейин тўлов йиғиндисини сўрайдилар. Ёки аксинча, корхона товар ҳақини ҳали товарлар келиб тушмасдан бурун тўлаб қўяди. Товарни эса маълум вақт ўтгандан кейин олади. Бундай ҳолларда, энг маълум йўл-тўловнинг ёки товар етказиб бериш кафолатининг мавжудлигидир. Тўлов кафолати ёки товар етказиб бериш кафолатини берувчи ишончли субъектлардан бири тижорат банкларидир. Уларнинг кафолати кредит шаклига эга бўлади.

Аваль кредитини бераётганда банк миждознинг мажбурияти учун жавобгарликни ўз зиммасига олади. Аваль кредитини олган миждоз тўловни амалга ошира олмайд қолса, банк кафолатдор шахс сифатида тўловни амалга оширади. Аваль кредити узоқ муддатли ёки қисқа муддатли бўлиши мумкин.



- Мана, келдим, - деди у кулиб. Қўлида калит ўйнаб турганча.

- Шошмаясанми?

- Ҳа, йўқ. Уйларни тез-тез то-залаб чиқдим. Сиз билан гаплашиб бўлиб бозорчага бораман.

- Чарчаб қолмайсанми?

- Нега чарчайман?

- Жамила, мана яна яқинда янги ўқув йили бошланади. Дарвоқе, таътилда бирор жойга дам олишга бордингми?

- Ҳа, бордим. Фазалкентда дам олиб келдим. У ернинг об-ҳавоси жудаям яхши. Кўп қариндошларимиз - амаким, аммаларим ўша ерда туришади-да. У ерда бизнинг ҳам уйимиз бор...

- Яна қаерларга бординг?

- Тоққа, Чимёнга бордик. Мазза экан.

- Оилавий бордингларми?

- Ҳа, адам, ойим, мен, укаларим Рамзиддин ва Жасур.

- Ҳозир укаларинг қаерда?

- Каттаси ўртоқлари билан ўйин майдончасида ўйнапти, кичкинаси боғчада. Кечкурун уни боғчадан олиб келиб, овқат қиламан.

- Овқат тайёрлашни ҳам биласанми?

- Ҳа, мастава, мошхўрдани, макарон димлашни биламан. Осон овқатлар қилишнигина биламан-да! Ўзим бўлса уйғурча лағмонни жудаям яхши кўраман. Қўшнимиз Зайтуна опам зўр лағмонни пиширадилар. Мен лағмон яхши кўришимни биладилар-да, доим чўзма лағмон қилсалар, менга ҳам берадилар. Лекин мактаб бошланса, овқатни ойим ўзлари тайёрлаб қўядилар. Мен мактабга бораман. Келиб озгина дам оламан. Уйларни тартибга келтириб, боғчадан укамни олиб келаман. Кейин дарс тайёрлашим керак.

- Баҳоларинг қанақа?

- Бизда рейтинг. Ҳаммадан кўп балл тўплайман.

- Қайси фанларга қизиқасан?

- Она тили, адабиёт, рус тилига.

- Дўстинг борми?

- Бор. Мактабда Ойдин билан бир партада ўтираемиз. Бир-биримизни кўришга бориб тураемиз. Ўқимасизми, авваллари ҳамма билан дўстлашиб кетаверардим. Ҳозир негадир унақа эмасман. Сирдошим - Зухра. У билан бирга кў-ў-п нарсаларни гаплашамиз. Зухра - ақлли, яхши қиз. "Характери" менга тўғри келади, лицейга ўқишга кирди. Эшитиб жудаям хурсанд бўлдим.

- Китоб ўқишга ҳам вақтинг бўлаётими?

- Ҳа. Кечагина "Султоннинг ҳукми"ни ўқиб чиқдим. Жуда ҳам таъсирли экан.

- Яна нималарга қизиқасан?

- Ҳинд киноларини ёқтираман. Актёрлари чиройли бўлади-да. Яна модага қизиқаман.

- Қанақа қизман деб ўйлайсан ўзингни?

- Мен-ми? Кўп жойда тортина-вераман.

Жамила билан суҳбатлашиш учун унинг бўш вақтини танладик. Эндигина 13 ёшга кирди (ўтган якшанба кунини унинг туғилган кунини бўлди).

Ёзги таътил кунлари аксарият болалар оромгоҳларда, бува-бувилариникида бўлишади. Ё дугонаю ўртоқлари билан ўйнашдан ортишмайди. Жамила эса...

У Собир Раҳимов туманидаги 196-мактабнинг 7-"В" синфига ўтди.



СУРАТДА: Жамила РЎЗМЕТОВА.

- Ия, унда қанақа бўлади? Сен кўпинча ойингга ёрдам бергани бозорчага ҳам чиқиб турасан-ку. Тортинсанг, қандай қилиб нарса сотасан?

- Жим туравераман. Харидорнинг ўзи келади. Албатта, бақирчақир қилиб чақириш шарт эмас-ку.

- Бозорда нималарни ўргандинг? У одамни нималарга ўргатиб қўяр экан?

- Бозор одамларни, муомала қилишни ўргатади. Харидорга қараб, уни қандай одамлигини билиш мумкин. Муомаласидан эса мақсадини. Бозорнинг яхши томонлари ҳам, ёмон томонлари ҳам бор.

- У нима деганинг?

- Яхши томони боя айтганимдек мулоқот, муомала маданиятини, ҳаётни ўргатади. Ёмон томони харид учун ҳар хил одамлар келади. Бировлар жудаям кўпол бўлади. Нима бўлгандаям, харидорга яхши гапириш керак. Чунки доим у ҳақман, деб ўйлайди. Қолаверса, маҳсулотингизни сотиш керак.

- Тўғри, одам бозорда анча-мунча нарсаларни ўрганади.

- Менга ҳам кўпчилик "Ҳа, пишиб қолибсан" дейди.

- Ночор одам сендан сотаётган нарсангни текинга сўраса, нима қиласан?

- Ойим бериб юбораверади-

лар. Мен ҳам жуда яхшисини эмас-у, имкон қадар нарса беришга ҳаракат қиламан.

- Нимадан қўрқасан?

- Бировнинг ҳақидан қўрқаман.

- Нималар ёқмайди?

- Қизларнинг қаттиқ кулиб гапиришлари.

- Яна?

- Янами? Бозорчага чиқиш. Лекин ойимларга ёрдам беришим керак. Улар қийналиб қоладилар. Ахир онамга мен қайғурмасам, ким қайғуради. Моддий манфаат ўзимизнинг эҳтиёжларимизга сарфланади-ку. Адам ҳам "Қизимни бозорга чиқазма", - деб қўядилар.

- Сени кўпроқ ким яхши кўради?

- Адам ҳам, ойим ҳам. Исминни ҳам адам қўйганлар. Жума кунини туғилганман-да. Вой, қаранг, бугун ҳам жума...

Ойим уришсалар, уришма, танбеҳ берма қизимга, деяверадилар. Энди... ойим мени яхши қиз бўлиб ўссин деб тергайдилар-да.

- Нимани хоҳлайсан? Қизиқिशларинг қанақа?

- Катта опам бўлсалар зўр бўларди-да. Лекин Шоҳиста аммам ҳам опамдек бўлиб қолганлар. Ўзим ҳам аммамга жуда ўхшайман. Ҳовлида яшашни яхши кўраман. Мевали дарахтлар, гуллар... Ўзиям Фазалкентга борганимдан келгунимча ҳовли-

га сув сепиб супуравердим. Ерга сув сепиб, озода қилиб қўйсангиз, ҳовли шундай файзли бўлади-ки.

- Бўш вақтларингга газеталар ҳам ўқиб турасанми?

- Тўғриси, ҳозир ўқимаяпман. Чунки 2-3 та газетага фақат ярим йиллик учун обуна бўлган эдик. "Тонг юлдузи", ҳам фақат иккита олдик. Энди 1 йилга тўлиқ ёзиламан. "Постда"ни доим ўқийман. Унга адам обуна бўлганлар. Телевизорни ҳам кўп кўравермайман. Фақат ҳозир "Кўнгил кўчалари"ни кўраяпман. "Морена Клара" ҳам яхши-я. Сизга ҳам ёқадими?

- Ҳа... Бозорга чиққан одамнинг қўли фақатгина пулга боғланиб қолмасмикан?

- Ким агар шундай йўл тутса, ҳато қилади. Қиз бола ҳамма нарсани уйдалаши керак. Ахир бировни уйига борганида нима қилади! Уй ишини ҳам қилиш керак, пул топишни ҳам билиш керак.

- Бозордан тушган фойдани нима қиласан?

- Ойимга бераман.

- Улар нима қиладилар?

- Ҳозирги кунларда мактаб учун тайёргарлик кўраётдилар. Менга шортик олиб беринг деган эдим. Кейинроқ дедилар. Лекин барибир кўнгиллари бўлмади. Бир эмас, иккита олиб бердилар. Биз бирор нарса оберинг, деб хархаша қилсак, ўша пайтларда бунинг имкониятини топа олмасалар кўнгиллари ҳам бўлиб қолади.

- Ўзинг ҳам сотган нарсаларингдан қолган фойдадан йиғасанми?

- Йўқ. Лекин ҳозир ёнимда 2150 сўм пулим бор. Туғилган кунимда амаким 1000 сўм, дадам 500 сўм, аммам 500 сўм, Дилноза 100 сўм, Бегиш 50 сўм беришди.

- Энди уни нима қиласан?

- Мактабга яхшироқ сумка олсамми деяпман.

- Энди қиз болага уй тутиш, бозор қилишдан ташқари, касб-ҳунар ҳам керак. Шундай эмасми? Сенинг режаларинг қандай?

- 9-синфни битириб молия лицейига хужжат топшироқчиман. Холида аммамдек иқтисодчи бўламан. Аммам ўз касбларини яхши билганлари учун 9 ой Францияда ўқиб келдилар. Инглиз тилидан яхшилаб тайёрланиш керак-да.

- Ҳозир қаерга борасан?


- Ойимдан хабар олиб, қозон осииш учун уйга чиқиб кетаман.

Жамийлани кузатиб қўяр эканман, бу самимий, ақллигина дастёр қизчага ҳавасим келди.

Маҳлиё МИРСОАТОВА суҳбатлашди.




ЎЙИН МАЙДОНЧАСИ




ТЎПЛАРНИНГ ЖОЙЛАРИНИ ЎЗГАРТИРАМИЗ

Ўнта тўпдан иборат ҳар бир учбурчак ўзига хос ифода сонига эга. Горизонтал (эн бўйлаб) турган ҳар бир қатордаги тўплар рақамлари йиғиндиси роппа роса 15. Тўплар қаторларини бузиб, бошқа шундай 5 қатор тузингки, унда ҳар бир қатор тўпларининг йиғиндиси 12 ни ҳосил қилсин.




ПАСТГА ҚАРАБ - ЭЛИК ЙЎЛ

Мазкур лабиринтда юқорига томон юриш сира мумкин эмас. Бир хил ҳарфлар билан белгиланган олтига йўлақдан ҳар бирдан юринг ва уларнинг ҳар бирида 50 очкодан тўпланг. Бир чорраҳадан бир неча марта ўтишингиз мумкин, бироқ ҳар бир йўлак ва сондан фақат бир марта фойдаланишингиз зарур.




УЧРАШУВ ЖОЙИНИ ЎЗГАРТИРИШ МУМКИН ЭМАС

Расмдан бир-бири томон бораётган 2 саёҳатчининг йўлини белгиланг. Ҳар бир сайёҳ ўз йўли давомида 7 та орол (доира)да бўлиши шарт. Биринчи сайёҳ А манзилдан, иккинчиси эса Б манзилдан йўлга чиқади. Уларнинг йўллари ўзаро кесишмаслиги ва бири бўлган оролда иккинчиси бўлмаслиги зарур. Шундай қилиб бу 2 сайёҳ қаерда учрашади?




БЎЛАКЛАРГА АЖРАТАМИЗ

Қаршингиздаги хийла, ақл билан ечиладиган лабиринт. У мозаика сингари анча мураккаб, чунки уни майда қилларни ўрни-ўрнига қўйиш йўли билан бир бутун ҳолига келтириш зарур. Сизнинг вазифангиз - А нуқтадан В нуқтага мозаиканинг ҳар олтала қисми тархида эгилиб-букилган қора чизик бўйлаб бериш. Бир юрилган жойдан иккинчи марта юрмаслик шартлиги эсингизда бўлсин.



КИРИШ ВА ЧИҚИШ






Суратдаги тўрт нуқтани 5 та тўғри чизик билан ўзаро туташтиринг. Чизиклар халқаларнинг узилган жойларидан ўтсин, аммо квадратдан ташқарига чиқиб кетмасин.



ТОРОЗИ ТОШЛАРИ


Берилган тошлардан биттасини олиб ташланг ва қолган тошларни 3 тадан қилиб икки тўпга ажратинг. Бунда ҳар бир тўпдаги тошлар оғирлиги йиғиндиси бир хил бўлсин.

62-63 СОНДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПШИРИҚЛАР ЖАВОБЛАРИ



Ҳар бир шардаги рақамлар йиғиндиси 42 ни ҳосил қилиши керак. Уларни қуйидагича қўйиш керак.

1)	7,	12,	4,	19
2)	16,	8,	3,	15
3)	13,	1,	10,	18
4)	5,	20,	6,	11
5)	14,	9,	17,	2



“ЁШ ИҚТИСОДЧИ”ГА МАКТУБЛАРИНГИЗНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:
700029. Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-уй, 402-хона (Музаффар ПИРМАТОВга).
Мулоқот учун телефон: (371) 139-49-32, 139-16-19. Факс: (371) 139-48-23.

«—Лобарнинг таътили охирлаб қолди. Помидор, бодринг, қалампир ва бақлажон олиб келиб берсангиз, қишга тузламалар қилиб олардим, — дедилар онамлар дам олиш куни дадам уйда телевизор кўриб утирганларида.

— Унда Лобарнинг узи ҳам бора қолсин, танлаб олади меваларни, — дедилар дадамлар ва биз кўп ўтмай ўзимизнинг «Москвич»имизда ўйимиздан узоқ бўлмаган Юнусобод бозорига йўл олдик. Бувим ҳам биз билан бордилар. Йўл-йўлакай нарх наво анча тушиб кетгани ҳақида гапириб, «худого шукр, шунақа тўкин-сочин кунларни ҳам кўрдик» деб ҳатто кўзларига ёш олдилар. Мен «буви нега ўзингиз ўзингизга баҳона излаб йиғлашга тушасиза, десам хурсанд бўлганимдан дедилар».

Хуллас, бозорга етиб келдик. Эшикдан киришингиз билан ҳатто бувим айтганларидек, «оёқ босишга жой» йўқ. Ким тарвузни, ким қовун, ким узум, ким помидорини мақтайди. Биз тезда яшиқларни тўлдириб, онам айтган нарсаларни сотиб олдик. Уйга қараб энди йўл олаётган

нимизда қовун-тарвузларини ёйиб утирган бир ота бўш кетманлар, қовунлардан ҳам олиб кетинглар. Пишиқчилик бу ёғи. Жуда арзон бўлиб кетди», — деди. Бувим неча пул десалар, тушинг хола жон, савдолашиб утирамизми? Бу «ёғи пишиқчилик, — деяпман-

ЮЗ СЎМЛИК ҚОВУН ШИННИСИ

ку, деди. Дадам уйда қовун бор, — дегандилар бувижоним нега деҳқоннинг гапини қайтарасан, — ўғлим. Ол дейишса ол. Биров бир нарсаси берса қучини қайтарма. Ахир пайғамбаримиз ҳам биров сенга нима бирса сазасини ўлдирма» — деганларку дедилар.

Хуллас, дадам машинадан тушдилар. Кўп ўтмай мен ҳам, бувим ҳам. Чунки йигирмата қовунни деҳқон бобо донасини беш сўмдан, ҳаммасини бор-йўғи 100 сўмга дадамга сотганди-да! Қовунларни машинага юклашга тушдик. Ҳар бири ўнбеш йигирма кило

чиқадиган қовунларнинг нархи — беш сўм! Бувим нуқул «худо ўзингга шукр, шундай кунларни кўрсатганингга шукр» дердилар. Чунки болалик пайтларида бир халта туршагу тут майизларни шунақа арзон нархга сотиб оларканлар-да. Яна одам-

майда тилишлаб бериб турдилар. Мен ва бувим унинг пўстини тозалабдик. Уруғларини ажратдик ва катта никелли кострюлкага солиб паст оловда қайната бошладик. Бувижоним ҳар қандай шиннига асло темир қошиқ ёки чўмич тикма. Алюмин идишда ҳам



керак, — дедилар бувим. Чунки тарвуз бир қайнаб чиққач бамисоли сувнинг ўзи бўлиб қолади-да! Донини докадан сиқиб ажратиб олиб, қовун шиннисига қараганда бир мунча вақт кўп қайнатиш керак эмиш. Айтгандай, биз бир кострюлкада қайнаётган қовун шинисини докадан сузиб, турипини олдик. Иккинчисининг турупини олмадик. Ҳар иккаласи ҳам ўзига ҳос, жаннат иси келадиган (бувимнинг гапи) ажойиб шинилар бўлди. Марҳамат, сиз ҳам қилиб қуринг ишонмасангиз, тотиб қуринг!

Лобар АБДУАЗИМОВА
Юнусобод туманидаги 273-мактаб ўқувчиси

Очил дастурхон

ларнинг кузи тўқ бўлиб, «қаллоб савдогарлар йўқолди дердилар кўзларига ёш олиб!

Хуллас қовунларни уйга олиб бордик. Жуда-жуда ширин чиқди. Асал дейсиз, йўқ, новвот... Дадам бу қовунлар жуда пишиб кетган, қовун қоқи қилиб оласизми? Дедилар қулиб.

Қовун қоқини қандай қилишар экан, деб хаёлга чўмиб қолгандим, бувим «йўқ, қовун шинниси қиламиз» дедилар. Тезда ишга тушдик. Дадам қовунларни сўйиб,

қайнатиб бўлмайдим шиннини — дедилар. Ранги хунук бўлиб қоларкан.

Йигирмата қовундан ҳоҳ ишонинг ҳоҳ ишонманг, йигирма кило қовун шинниси олдик! Унинг қайнаши давомида косага йиғиб турганим купини музлатгичга қўйиб қўйгандим. Эрталаб нонуштада олиб чиқиб ялаб кўрсам — худди музқаймоқнинг ўзи! Фақат музқаймоқдан афзал томони — унинг ҳиди, хуш иси — оламда йўқ! Хатто — музқаймоқда ҳам!

Хуллас, Сиз ҳам қовун шиннисини қилинг. Тарвуз шиннисини ҳам шундай ширин бўлармиш. Фақат уни кўпроқ қайнатиш

Ишдан қайтсам, йўл буйидаги икки қулочим етмайди-ган анжир дарахтим ўғри тушган уйдек ҳувиллаб турибди. Шохлари сингган, қийшайган, япроқлари тукилган, ҳаммадан ачинарлиси, қарийб йигирма қулоч чиқадиган шира тортмаган анжирлар дардини

тортиши керак бўлган пайтда... кўм-кўккина булишиб ариқ четида юм-юм йиғлаб ётишибди-я! Беихтиёр, «Қулинг сингурлар, қайси одамсифат маҳлуқларнинг иши бу?» — деб туюқиб кетдим. У ёққа югурдим, бу ёққа югурдим, овозимни чиқариб су-

ўйнаб «қурол» қилишибди. Мен бу жаннат меваларига бир ачинсам, бир нияти бузук, ўйинқароқ болаларга ачиндим. Ахир юртимиз тинч-тотувлиги учун унинг гуллаб яшнаши, шаҳар ва қишлоқларни чиройли булиши, жамол очиши учун биз кат-

ниларникида мол йўқ, анжирларни офтобга ёйиб шира тортириб бўлмасан... На қилай? ...Йиғлаб-йиғлаб, йиғлаб оқайтган сувга оқиздим. Балки йўл-йўлакай ариқ буйларида утлаб юрган қуй-бузоқларга эмиш булар улар. Балки...

Азиз болалар! Бу бобо бунча қизганчиқ экан, шу тукилган, қоқилган анжирлар учун ҳам йиғлабдими-я, деб ўйларсиз? Пишганидан қанча истансангиз шунча олинг, дейдиган, саҳий боболарданман. Ам-

Тўқликка шўхлик

мо ҳом анжирлар, бунинг устига «Уруш уруш» уйинига яраган анжирлар менинг кўнгил яраларимни очиб юборди-да!

Сизга уртоқларингизнинг ноўрин қилмишлари сабоқ бўлсин!

Тошкент, Кўйлик,
Бешинчи даҳа,
бешинчи мавзеда
яшовчи САИД бобо

СУВГА ОҚҚАН АНЖИРЛАР

тагидан оқайтган сувга айтиб, у ер-бу ерда юм-юм йиғлаб ётибди. Ҳа, мен анжирларнинг йиғлашини ҳам, кулишини ҳам жуда яхши била-

киндим. ўз-ўзимга гапирдим. Аммо ҳеч ким йўқ, ҳеч ким эшитмас эди!.. Эртасига жаҳлимдан тушганимдан кейин бир қушни кампир чиқиб

талар тинмай курашаётган пайтда, бу болалар нега «Уруш уруш» уйинини хумор қилишибди? Ҳатто болалар уйинида ҳам яхшилик бўлсин,

ЎЙНАМАЙМАН

Мен «ўлдим», бизникилар
Олдинга утиб кетди.
Қаёқдан ҳам «ўлибман!»
Кута тураман энди!
Ерга қараб ётибман,
Хафа бўлиб, қийналиб.
Гуё тошдек қотибман
Гуллар билан сийланиб.

Тургим келар, уйинда
Ғирромлик ярашмайди.
Улар утар айланиб,
«Ўлган»га қарашмайди...
Уйин тугасин, албат,
Болаларни йиғаман:
— «Улиш» бўлса битта гап:
Бу уйиндан чиқаман!»

Умида

ман. Чунки уни узим Тошкентга илк бор кўчиб келган кунларимизда экандим-да! Тошкент ҳавосига ўрганиб олсин деб ҳар лаҳза хабардор яшашим, салқин шамоллар эсиши билан қоғозга ураб, баъзан тупроққа кўмишим, унинг олдига парранда-даррандалар тугул ҳатто бошқа дарахтларни ҳам йўлатмаслигим бунга гувоҳ. Қушлар ҳам, маҳалладаги узоқ яқин таниш-билишлар ҳам, қолаверса йўловчилар ҳам анжир дарахтимга суқланиб қарашар, унинг ҳосили шира тортганда, мазасини тотишганда менга раҳмат дейишар эди! Эссиз, шундоққина ёз чилласида бол-новвот йиғиб шира

айтиб берди, нима бўлганини. Унда тукилган анжирлар сувга оқиб кетган эди... Уша куни анжир дарахтим билан урушга киришган маҳалламизнинг (номини ёзмайман, ўзи ўқиб уялиб қолар) уч боласи экан. Улар кун чошгоҳга келганда, жонзотлар бироз пинакка кетганда қаёқдандир (чўмилишдан бўлса керак) пайдо бўлиб барглари-ни ёйиб, офтобга чўзилиб турган меҳнаткаш дарахтимнинг шохларига чиқиб олишиб.

Бир-бирига анжир отишиб, «Уруш, уруш» уйнашибди! Анжирини еса ҳали хом, отса ёмон тегмайди анжиргинамни, болалар уруш-уруш

— деб гапирар эдилар, бир вақтлар менинг бобомлар. Чиндан ҳам биз уруш бошланмасдан аввал ёш болаларнинг уруш-уруш уйнаганлари гувоҳимиз. Аллақандай «Зарница»мидией, «темурчилар»миди-ей галати уйинлар урушдан кейинги йилларда ҳам давом этганди. Бунинг устига қизларимиз, сочини битта қилиб уриб юришни урф қилишганди. Оқибатда кўп ўтмай ўзлари (урушда кўпгина ўғлонларимиз қурбон бўлиб,) оламдан битта — тоқ бўлиб утиб кетишди...

Мен тукилган, титилган хом хатала анжирларни йиғиб, йиғлаб утирдим. Қуш-



Шоҳинурдан:
 — Кимга ухшайсан? — деб сурасангиз, у:
 — Бобомга! — деб оғзини тўлдириб жавоб беради.
 Билмаганлар, ҳақиқатан, бобосига ухшар экан-да, деб уйлашса, билганлар бу қорамағиз болакай оқ-сарикдан келган бобосига қандай ҳам ухшасин деб кулишади.
 — Ҳеч қаеринг бобонгга ухшамайди-ку! — деб куринг-чи, даррров:
 — Нимага? Қўлларим ухшайди! — деб қўлларини тирсагидан букиб мушакларини чиқариб курсатади.
 — Мана курдингизми? Бобомнинг қўллари ҳам шунақа ку-учли! Шварценеггерга ухшайди.
 Бобоси билан у айтган дунёга машҳур актёрни хаёлан қиёслаб яна куласиз. Лекин Шоҳинур бунга ҳам ақлли бир жавоб топади.
 — Бобом ҳам Шварценеггердай ҳеч нарсдан қурқмайди.

Ҳаммадан кучли!
 Бу савол-жавоб булиб утганда у ҳали тўртга ҳам тулмаганди. Аммо ҳозир (у мустақиллик байрами арафасида 9 ёшга тўлади) ҳам шундай деб жавоб берган булади, фақат бир оз тўлдириб... Кичкина Шоҳинур учун бобоси катта одам. Куча-

васини келтиради. Боғларда яйраб, меваларни еб, ариқларда чўмилиб мазза қилади.
 — Катта булсам бобомдай бой буламан. Уй қураман, ер олиб олма, зардоли, шафтоли, анор, ёнғоқ экаман. Кейин мошинага солиб Иброҳим, Ойбек, Жонибек, Феруза... ҳам-

БОБОСИГА УХШАГАН БОЛА

даги одамларнинг иззат-ҳурмати, уйда оила аъзолари, болачақаларга катталиги унга ёқалди.
 — Бобом раис-а, — дейди соддадиллик билан.
 — Йўқ, ҳоким, — дейди катта онаси (бувиси) кулиб.
 Булар ҳаммаси ҳазил (ҳар бир хонадонда ҳоким булган узбек болаларининг ҳоким болалари бор булсин!).
 Лекин ҳазил тагида унинг гузал ҳақиқатлари бор. Негаки гоҳ бобосининг дарахт парвариллаб, гоҳ экин-тикин қилиб бир зум тинмаслиги унинг ҳа-

масига таркатаман. Отабекларга ҳам олиб бораман... — дейди Шоҳинур.
Бологинам, майли қўлларинг бобонгникидай кучли, яратувчан қўллар бўлсин. Каттиқ ерларни боғ қил, тор дунёларни жаннатга айлантир. Сенинг ҳар нафасингдан маликалар бўйлари келади. Орзуларинг бир дунё. Сен бу дунёга Яхшилик учун келгансан. Қурган биноларинг мустақкам бўлсин, ҳеч бир ғаразгўй душман бузолмасин. Шу юрт, шу диёр — шу Ўзбекистон сеники. Унинг қўрғонини сен каби имони бутун,

дили тоза, зоти пок келажак қуради. Сен асл беклар авлодидансан. Мақтаниш, ё алдаш, ё зулм қилиш сенинг руҳингга ёт. Асосийси, ўзингни алдамасанг бас. Ҳаққа суюкли бўл, халққа суюкли бўл.
 Дунёда энг тўғри йўл муҳаббат йўли, тангри йўлидир.
 Шу мустақил юртнинг мустақил ўғлонисан.
 Эрта орзуларим қадар улғайсанг, кўзларингда Ўзбекистонни кўрсам. Улкан чинордай юксалиб, самоларга буй чўзиб турсанг, бир шохингга заха етмаса.
 Оқсарой тепасидан туриб атрофга қарайсан. Катта бобонг Амир Темуру ерларни биз учун яратиб кетган, гуллашиб кетган. Сен шу юртнинг меросхўрисан. Бу диёрни янада яшнатиш сенинг зиммангда. Тушундингми, ўғлоним?
 Бу ерлар — сенинг ерларинг.

Оналар ёзади

Ўзингники. «Ўзимники» десаң бағринг тўлади...
 Қолганини қулогингга шивирлаб айтаман:
 (Мен сени севаман, ўғлим. Сени ОЛЛОҲ севсин!).

Зебо МИРЗАЕВА



Узум пишди



«Ойнаи Жаҳон» — болаларга

СЕШАНБА, 18 август

- Уз. ТВ-I
- 10.05 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
- 10.25 «Янги алифбони урганизми».
- 11.45 «Шумтака». Мультфильм премьераси 26-серия.
- 18.10 «Ғаройиб ов». Мультфильм.
- 18.20 «Бешбармоқ». Тележурнал.
- 20.05 «Оқшом эртаклари».
- Уз. ТВ-II
- 18.15 «Ёрилтош» мульттўшлам.
- 18.25 «Еввойи хайвонот олами».
- Уз. ТВ-III
- 17.10 «Аралаш». Болалар учун ҳажвий киножурнал.

Мустақиллигимизнинг 7 йиллик байрамига ҳам санокчи қўнлар қолди.
 Ҳозир қаерда бўлманг, ушбу байрам муносабати билан ҳамма ерда бунёдкорлик ишлари авж олиб кетди. Ҳар бир кунимиз унутилмас тарихий воқеаларга бой бўляпти.
Бугун биз байрам арафасида уларнинг айримлари билан таништириб ўтишни лозим деб топдик.
 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов фармонида биноан ҳар йили август ойининг 3-якшанбасида «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ байрамини утказишга қарор қилинган.
 Худди шу кунки Ўзбекистон Республикасининг ҳаво флоти кунини нишонланади.
 18 август — поляк актриссаси Бэата Тишкевич туғилганига 60 йил тўлди.
 19 август «Афғонистоннинг миллий байрами»
 20 август Тошкентда биринчи Осиё ва Африка кинофестивали бўлиб утганига 40 йил тўлади.
 Фестивалда 28 давлат иштирок этади.
 21 август — 125 йил муқаддам (1813) Қорақалпоғистоннинг Тўрткул шаҳри қурилиши бошланган.
 25 август — 5 йил муқаддам (1995 й) Ўзбекис-

тон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси матбуотини қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони чиқди.
 Бундан 5 йил муқаддам Ўзбекистон пойтахти Тошкентда Мухаммад Тарағай Баҳодир угли Амир Темуру ҳайкали очилди. У ҳайкалтарош, Ўзбекистонда хизмат курсатган санъат арбоби Илҳом Жабборов ва Камол Жабборовлар томонидан яратилган.
 1993 йили 5 йил муқаддам 300 километрлик Дамхужа—Навоий — Бухоро сув қузури ишга тушган эди.
 Худди шу йили Газли Нукус ва Ургенч шохобчасидан иборат газ қузури қурилиши бошланди.
 Худди шу кунки «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси. Ўзбекистонда биринчи пахта гузапоя шохлари толасидан пахта пилтаси ишлаб чиқариладиган цех ишга тушди. Тошкентда трикотаждан эркалар учун ички кийим ва куйлақлар ишлаб чиқарадиган «Шухрат» узбек-турк қўшимча корхонаси очилди.
 5 йил муқаддам Бектемирда чарм заводи узбек-корейс «Сиан су» қўшма корхонаси маҳсулот ишлаб чиқара бошлади.

- ман».
- 12.50 Кундузги сеанс. «Бегоналар кириши мумкин эмас». Бадийий фильм.
- 14.25 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
- 18.00 «Омад юлдузи». Телеуйин.
- Уз. ТВ-II
- 8.00 «Бугуннинг боласи».
- 11.50 Болалар экрани.
- 18.15 «Сув ости дунёсига саёҳат».
- 18.30 «Мультипанорама».
- Уз. ТВ-III
- 17.35 «Цирк, цирк, цирк».
- Уз. ТВ-IV
- 9.00 «Хайрли тонг!»
- 9.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
- 14.50 «Жонли сайера».
- 15.20 Кундузги сеанс.
- 16.50 «Сенинг вақтинг».

ДУШАНБА,

24 август
 Уз. ТВ — I дастур
 20.05 Оқшом эртаклари

- Уз. ТВ — II
- 18.15 «Ёрилтош». Мульттўшлам.
- Уз. ТВ — IV
- 18.50 «Мульттомоша».

СЕШАНБА,

25 август
 Уз. ТВ — I

- 10.25 «Янги алифбони урганизми».
- 20.05 Оқшом эртаклари.
- Уз. ТВ — II
- 18.15 «Ёрилтош». Мульттўшлам.
- 18.25 «Еввойи хайвонот олами».

Уз. ТВ — IV
 18.50 «Мульттомоша».

Азиз уқувчилар! Сизларга аталган курсатув, фильм, мультфильмларимиз ана шулардан иборат. Курсатувларимиз ҳақидаги фикр ва мулохазаларингизни бизга ёзиб турунг.

ТОҲИР МУЛЛАБОВ
 Ўзбекистон телевидениеси «Болалар» Бош муҳарририятининг гуруҳ раҳбари.

Уз. ТВ-IV 18.50 «Мульттомоша».

ЧОРШАНБА, 19 август

- Уз. ТВ-I
- 11.00 «Кичкинтой устахонаси».
- 11.45 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 27-серия.
- 12.10 Акс садо.
- 12.40 Кундузги сеанс: «Чипполино». Бадийий фильм.
- 18.10 «Шоирлар болаларга». Наримон Орифжонов.
- 20.05 Оқшом эртаклари.
- Уз. ТВ-II
- 18.15 «Ёрилтош». Мульттўшлам.
- 18.35 «Жосуслар». Хужжатли сериал.
- Уз. ТВ-III
- 16.40 Болалар учун «Эртақнамо чоршанба». Кинокурсатув.
- Уз. ТВ-IV
- 18.50 «Мульттомоша».

ПАЙШАНБА, 20 август

- Уз. ТВ-I
- 10.30 «Алифбо сабоқлари».
- 11.00 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
- 11.20 «Шумтака». Болалар учун мультфильм премьераси. 28-серия.
- 12.35 Кундузги сеанс. «Еввойи оққушлар». Бадийий фильм.
- 14.10 «Йил узликни билмак».
- 18.10 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
- 20.10 Оқшом эртаклари.


- Уз. ТВ-II
- 18.15 «Ёрилтош». Мульттўшлам.
- 18.25 «Эркатой».
- 18.45 «Икки минг йилдан сунг». Телесериал.
- 19.05 «Буш утирма».
- 20.05 «Табобат оламида».

- Уз. ТВ-III
- 17.10 «Афсона Ибн Сино ватани». Телефильм.

- Уз. ТВ-IV
- 18.50 «Мульттомоша».

ЖУМА, 14 август

- Уз. ТВ-I
- 8.55 «Ёз қувончлари». Пулат Мумин.
- 11.00 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 29-серия.
- 11.40 «Биз улғайиб қолдик».
- 18.10 «Олтин тож». Телевизион уйин.
- 20.05 Оқшом эртаклари.
- Уз. ТВ-II
- 18.15 «Бугуннинг боласи».
- 18.40 «Бор экан-да, йўқ экан».
- 17.00 Болалар учун «Бинафша».
- Уз. ТВ-IV
- 18.50 «Мульттомоша».




ШАНБА,

- 22 август
- Уз. ТВ-I
- 10.00 «Шохруҳ клуби».
- 10.20 «Шумтака». Мультфильм премьераси. 30-серия.
- 10.35 «Сени Ватан қутади»
- 12.15 «Олтин тож». Телевизион уйин.
- 13.00 Кундузги сеанс. «Қонли тош». Бадийий фильм.
- 18.00 Болалар учун. «Фламинго».
- 19.50 Оқшом эртаклари.
- Уз. ТВ-II
- 8.00 «Боланинг тили».
- 10.30 Болалар экрани.
- 18.15 «У ким? Бу нима?»

- Уз. ТВ-IV
- 10.05 «Шанба эртаги».
- 18.50 «Мульттомоша».

ЯКШАНБА,

- 23 АВГУСТ
- Уз. ТВ-I
- 8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
- 9.10 «Ватанимга хизмат қила-



Бошқарувчи: Она замин ва халқимиз ўз тарихида кўпгина қонли босқинчиларни бошидан кечирганлар. Илм аҳли фозил ва комил инсонлар эса ўз элларида сарсон ва саргардон юрганлар.

Кутайба ва Йозид она заминни, Қон билан ювганда фалак урди оҳ. Кўпгина фозиллар Боғдоду Дамашқ

Румо-ю, Юнондан топдилар қанот. Оддий хона. Аҳмад қулоқ огригида. Даҳан аралаш қулоқни оқ мато билан боғлаб олган дўстлари кириб келди.

Аббос — Эй, дўстим. Бу дунёнинг шовкинларидан қутулай деб қулоқларни боғлаб олдингизми?

Саид: — Йўқ, дўстимиз энди уйқудан уйғонганлар. Саллалари жойида эмаслигидан беҳабардирлар.

Яҳё: — Гапларингиз нотўғри. Дўстимиз саллани олдин даҳан аралаш



ўраб, сўнгра бошларига кўтариб қўядилар. Ҳозир эса саллани ўрнига кўтаришни унутибдилар.

Аҳмад: — Кечирасиз, соҳиби хонадоннинг уйини Меҳроб туркумидаги юлдузлар шундай нурга тўлдирдики, қилар ишларим ҳам ҳаёлдан кўтарилди.

Аббос: — Қай биримизнинг нури-миз ҳаёлингизни кўпроқ фаромуш қилди?

Аҳмад: — Ҳаммангизнинг чеҳрангиздан шундай бир ажиб нур тараладики, қай бирини ёрқинроқ эканини ҳам англамай турибман.

Саид: — Нурнинг таркиби етти рангадир. Биз уч киши кириб келдик. Қолган нурлар ўзларидан таралганлигини сезмаганлар.

Яҳё: — Иқлидус айтганидек дўстимиз бутун биз унинг бўлақларимиз. Бўлақлар ўз бутунига тортиниб келди.

Аҳмад: — Дўстлар тортиниб келсангизда тортиниб ўтирманг. Қани дастурхонга марҳамат. (Ўтириб фотиҳа ўқишади.)

Аббос: — Эшитишимизча, дўстимизнинг дастурхонидан увоқ еган чумчуққа ҳам оллоҳ назар солар экан.

Яҳё: — Йўқ, дўстимиз оллоҳ назар солган чумчуқларгагина увоқ берадурлар.

Саид: — Оллоҳнинг назарига мушарраф этадиган увоқлардан бизни ҳам бенасиб этмассиз.


Аҳмад: — Ўзимнинг ниятим шу эрди. Оллоҳ сизга ҳам назар солган Сиз учун увоқ эмас, ажойиб тариқ тайёр

(Давоми. Боши ўтган сонда)

лаб кўйдим. Мана марҳамат. (Четдаги хонтахтадан бир идишда тариқ ва чой ва қошиқ олиб дўстлари олдиға қўяди.)

Саид. — Қошиқни жуда сийпалаб юбордингиз. 300нинг нари берисидур.

Аҳмад. — Шу қошиқдагидан 500



дан ортиқроқдур. Нарса қанча кичик бўлса, инсон назарини алдайди. Лекин атрофимиздаги олам майда-майда зарралардан ташкил топган. Бу зарраларни биз кўра олмаймиз. Лекин ақл кўзи билан уни кўриш мумкин.

Яҳё: — Тўғри, лекин кўпчилик ақл кўзига эмас, ўзининг кўзи билан кўргандагина бунга ишонади.

Аббос: — Бу жуда ҳам тўғри. Масалан, мен каттароқ идишда чой келдим, йўқми билмай турибман. (Кулишади)

Аҳмад: — Узр! Сизлар тўғридан-тўғри оч эканлигингизни айтганингиз учун мен келтура қолган эдим. Сувни ҳозир муҳайё қиладурман. (чиқиб кетади)

Саид: — Оллоҳ юқтирган. Ажойиб комил инсон. Ўзлигини англаб етган.

Аббос. — Жуда тўғри. Олис Мовароуннахрдан келиб илм йўлида, Оллоҳ йўлида хокисор бўлиб юрибди.

Яҳё. — Мен ҳам шунга ҳайронманда. Ўзлигини билган одам ота-она бағридан, ватанидан йироқда илм излаб юриш шартми?

Саид. — Дўстим! Бу не? Хусуматму?

Яҳё. — Ўзлигини билган олим, ўзга юртда нон ейдими?

Аббос. — Билсангиз, Фарғоний бу ерда ўз ватанига кўпроқ фойда келтирмоқда.

Яҳё. — Қандай қилиб? Маънун саройидаги зиёфатларда маишат қилибму?

Саид. — Йўқ, дўстим. Буюк даргоҳнинг зиёфатида бўлмоқ учун улкан ақл заковат керак.

Аббос. — Тўғри. Амиралмуслиминлар ичида маъмун биринчи бўлиб Мовароуннахр ва Хуросонга уларнинг элидан ҳоким тайинлади. Бу элларни турли солиқлардан озод қилди. Элларда тинчлик, бошланди.

Саид. — Мана шу улуг ишларнинг рўёға чиқишида Фарғонийнинг хизматлари беқийсдир.

Яҳё. — Маъзур тутасиз. Хом сут ичган бандамиз-да, олам ишларининг бу даражада чигаллигини англай олмадим.

Саид. — Ҳа, Фарғоний буюк заковат эгаси.

Аббос. — Тўғри, мана унинг бошчилигида Боғдодда сўнгра Дамашқда расадхона курдик. Текширишлар олиб бордик. Шунда Фарғоний Батлимуснинг «Мажистий» китобида келтирилган юлдузлар ўрнининг чалкашликларини ўз идроки ва узоқ текширишлари билан ҳал этди-ку. (хонага патнисда чой, нон кўтариб Фарғоний кириб келади)

Аҳмад. — Марҳамат, азизлар. Биримизни баҳам кўрамиз.

Аббос. — Ҳаёллаганингиздан, нон ёпаяписизми деб ўйлабман.

Аҳмад. — Нонни илгарироқ ёпган эдим. Совутай деб ҳаяллаб қолдим.

Саид. — Чойни ҳам совутишга анча қийналган бўлсангиз керак.

Аҳмад. — Йўқ, Бунинг йўриғи бошқа. Андак совуқ сув куйилса, тобида бўлади қолади (эшик тақиллаб, шохнинг мулозимини кириб келади)

Мулозим. — Абул Аббос сизни олам-паноҳ йўқлаяптилар.

Аҳмад. — Мен ҳозир етиб борурман (мулозим чиқиб кетади).

Аббос. — Дастурхонга келган эди. Қаттиқ нону, илиқ чой.

Ҳатто, шуни кўп деб билди. Бизга эгам ҳойнахой

Саид. — Жуда ўрнида айтилган, илиққина ашъор. Офарин.

Яҳё. — Дўстлар, Бекорга айтилмагандур. Ютганинг ўзингники, бугундаги гумон, — деб.

Аббос. — Оллоҳ Таолонинг ҳақиқати олдида биз олимлар ҳам ожиздирмиз.

Саид. — Қани, Фотиҳа қилайлик. Дўстимиз ушланиб қолмасинлар (фотиҳа ўқишади. Ҳайрлашиб чиқишиб кетишади) Уйин оммавий.

3 — Куриниш СУЗ БОШИ

Бошқарувчи: Заминда минглаб султонлар, шохлар, амирлар ўтган. Тарих саҳифаларига айримларининг номлари қон билан битилган. Айримлари эса эл қалбидан абадий ўрин олган.

Ҳалифа Маъмун, Амир Темур, Мирзо Бобур, Мирзо Улуғбеклар шулар жумласидандур.

«Маъмун академияси», «Билимлар уйи»,

Кўплаб олимларнинг бешиги ўша. Хоразмий, Фарғоний ва бошқа талай

Алломалар берган муқаддас гўша. (Маъмун саройи. Тахтда Халифа. Ён томонларидаги курсилардан бирида қози Имом Яҳё Аксам ўтирибди. Суҳбат қизгин)


Қози. — Олампаноҳ. Эл-улус ичида аббосийларнинг байроғи қора бўлганлиги учун ҳам ҳалифамиз қора кийим киядилар деган шов-шув юрибди.

Маъмун. — Бунинг зарари йўқ. Қора либос эркаклар ва тириклар либосидур. Ҳеч бир аёлни қора либос билан келин қилмайдурлар ва ҳеч бир ўлик қора кафанга ўралмас.

Қози. — Шундай бўлса-да бу тартиб қонидани тўй куни чеклаш ва бисотингиздаги олий газламалардан бўлган кийимларни кийиш мақсадга мос бўлар эди.

(Давоми бор).

Хусан МҶМИНОВ, Юнусобод туманидаги 274-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.



АКА-УКАДАН МАКТУБ

Салом «Тонг юлдузи»
Мен бу йил 5-синфга,
укам Азамат эса 4-синфга
кўчдик. Иккаламиз ҳам
чоракларни аёло баҳолар
билан тамомладик.


Биз расм юбораямиз.
Таътил давомида ўз усти-
мизда машқ қилдик.

Сабаби туманимизда
жойлашган «Тасвирий
санъат» лицейида ўқишга
кирмоқчимиз.

Машқларимизни кўриб
ўзинг баҳо бер. Сенинг
самимий фикрларингни
билишни хоҳлаймиз.

Салом билан,
Азизбек ва Азамат
ҚОСИМОВлар,
Андижон вилояти,
Избоскан туманидаги
44-ўрта мактаб.

«ТЮ»дан: Баҳони нафақат
— Биз, балки — Сиз ҳам бера-
сиз-да, азиз газетхон!



Бугун Беҳзоднинг тугилган куни. Маза. Куп меҳмонлар, уртоқлари келишади. Шунинг учун ойижониси Ақида опа эрта тонгдан бери ошхонада нималарнидир пишириш билан овора. У ердан таралаётган ёқимли ҳид

димогни қитиқлайди. Опалари Умида билан Нилуфар чопи-чопиб дастурхон безашяпти. Фақат, дадасининг уйда йўқлиги чатоқда. Тоққа, экспедицияга кетганига ҳам мана бугун 12 кун булди.

Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Трубкани Беҳзод кўтарди.

— Уғлим, сенмисан? Қалайсан? Тугилган кунинг билан табриклайман. Дадасининг овозини эшитган Беҳзод севинганидан қичқириб юборай деди:

— Дадажон, бугун келасизми?

— Албатта, кечқурун уйда буламан, уғлим. Биласанми, сенга ажойиб совга олиб кета-япман. Жуда зўр. Бунақаси ҳеч кимда йўқ.

Беҳзод дадасининг бугун келишини, тагин ҳеч кимда йўқ ажойиб совга олиб келишини эшитиб, севиниб кетди... «Ҳар қалай, ажойиб нарса нима экан-а?»

Кечқурун ҳамма йигилиб, эндигина уйин-кулги бошланган эди, қўнғироқ жиринглаб қолди. Беҳзод «дадам, дадам келдилар» дея югурганича бориб эшикни очди. Адашмабди.

Кичкинагина кийик боласини кўтариб дадаси кириб келди.

— Мана уғлим, сенга айтган ажойиб совгам шу булади, — деди Олим ака уғлини кўтариб олиб.

Беҳзод кўзларига ишонмади. У жуда хурсанд эди. Чунки бундай кийикчани ҳатто тушида ҳам ушлаб кўрмаганди-да. Энди эса маза қилиб уйда боқади. Уртоқларининг роса ҳаваси келса керак. Унинг чиройлигини! Кузлари бирам каттаки.

— Бекор қилибсан, болам, — деди шу пайт Нури буви Беҳзоднинг дадасига, — тоғтошларга ўрганган жонивор бу кичик ҳовлида яшай олармикин?

— Ҳавотир олманг, ойижон, ҳаммаси яхши булади. Тоғдан тошиб олдим. Онаси олиб қолган экан. Жуда булмаса ҳайвонот боғига бериб юборармиз... Беҳзод бир севинсин, дедим-да.

Эртаси куни ота-бола кийик учун чиройли, ин қуришди. Беҳзод унга ҳар хил пирожнийлар, конфетлар бериб кўрди. Лекин кийик ҳеч бирини оғзига ҳам олмади. Кейин бувисининг

маслаҳати билан қўшнилари-никидан сигир сути олиб чиқиб шипага солиб берди. Кийик сутни маза қилиб ичиб олди, кейин шундай уйноқлаб кетдики. Дам сакрайди, дам югурди. Буни кўрган Беҳзоднинг қувончи чексиз. Тагин кучага чиқиб кетмасин, деб тутиб олгунча, роса терлади. Инига қўйиб, эшигини маҳкамлаб қўйди.

Орадан уч-тўрт кун ўтди. Беҳзод ўқитувчилари Гузал Рустамовани, синфдошларини кийикни кўрсатишга олиб келди. Лекин, қай кўз билан

курсин-ки, кийик бир чеккада қимирламай ётарди. Унинг олиб қолганини билгач, Беҳзод йиглаб юборди. Кетма-кет келиб қолган бувиси ҳам жуда хафа булди.

— Эссизгина, жонивор увол булди-да. Даданга айтдим-а, тоғ-тошда, очиқ ҳавода югуриб юрган жониворни бир инга қамаб қўйсанг қандай яшайди, деб...

— Булмаса, кучага, машина йўлга чиқиб кетарди-да, — деди Беҳзод пиқиллаб.

Бувисининг гапини ўқитувчиси ҳам маъқуллади:

— Ҳа, болалар, биз билан сиз табиатни, қўшлар ва ҳайвонларни асраб, авайлашимиз керак. Бугунги кунда биз уларни фақатгина телевизорда томоша қилганмиз, китобларда суратларини кўрганмиз. Ҳозир ноёб ҳайвонларни, бедана, каклик ва бошқа жуда кўплаб қўш-

Устоз ижоди


ларни ов қилиб, отиб келаётган кишилар озмунчами? Ёзда тоғларга чиққаннимизда эса ҳатто тоғ эчкиларини ҳам жуда кам кўрганмиз... Бу ҳақда жиддий уйлаб қуришимиз керак...

Беҳзод дадасининг айтган гапларини эслади: «Уғлим, кийикни ҳайвонот боғига топширақолайлик. Ҳар қалай, у ерда мутахассислар бор, бирикита булса ҳам кийиклар бор. Хоҳлаган вақтингда бориб кўраверасан...»

Лекин Беҳзод бундай қилишга кўнмаган, дадасига ялиниб кийикни олиб қолган эди. Бугун эса...

— Мени кечиринглар, — дея йигламсиради у. — Ҳамма айб менда...

Муаттар АЛИМБЕКОВА,
Тошкентдаги 214-мактаб
ўқитувчиси.



ТОНГ ЮЛДУЗИ Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:
Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор
РАЗЗОҚОВ, Гулнора ЙҮЛДО-
ШЕВА, Хотам АБДУРАИМОВ,
Иккилоб ЮСУПОВА, Дадажон
ЁҚУБОВ, Миршохид
МИРҲАМИДОВ, Суннатилла
ҚҮЗИЕВ, Мукаррама МУ-
РОДОВА, Феруза ОДИЛОВА.

«ЁШ ИҚТИСОДЧИ»
ИЛОВАСИНИ ТАЙЁРЛАГАНЛАР:
Музаффар ПИРМАТОВ,
Равшан ҚАМБАРОВ,
Маҳлиё МИРСОАТОВА,
Гулнора МУҲАМЕДОВА.

ИВМ компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г-0247.
46.496 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30
Наъбатчи Озода ТУРСУНБОЕВА

• Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
• Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
• Нашр кўрсаткичи: № 64563
• Телефон:
• 1-33-44-25
• 1-36-57-91
• 1-36-54-21